

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳукукида
УДК:

Қаҳрамон Ҳасанбоевич Боймирзаев

МАВЗУ

**ЎЗБЕКИСТОНДА МАДАНИЙ МАРКАЗЛАРНИНГ
ТАШКИЛ ТОПИШИ (Фарғона вилоят корейс маркази)**

5А 220 201 – Ватан тарихи мутахассислиги
бўйича академик даражасини олиш учун

МАГИСТРЛИК

ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар:
Редагогика фанлари
доктори, профессор
Т.Эгамбердиева

Фарғона – 2011 йил

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Илмий раҳбар:

Педагогика фанлари
доктори, профессор
Т.Эгамбердиева

Ташқи тақризчи:

Тарих фанлари номзоди:
А.Комилов

Д.А.К. котиби:

А. Маҳмудов

Мундарижа

саҳифа

Кириш	3-7
I боб. Ўзбекистонда миллий муносабатлар	8-27
1.1 Ўзбекистон – кўп миллатли давлат.....	8-15
1.2 Миллатлараро тотувликни таъминлашда миллий-маданий марказларнинг салоҳияти	16-27
II боб. Миллий – маданий марказларни Ўзбекистон тараққиётида тутган ўрни	28-56
2.1 Миллий – маданий марказларни фуқаролик жамияти тараққиётидаги ўрни.....	28-35
2.2 Миллий – маданий марказларни миллий урф одатларни тарихини ўрганиб, ҳаётга тадбиқ этишдаги моҳияти.....	35-56
Хулоса	57-59
Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати	60-61

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан таълимни тубдан ислоҳ қилиш йўллари ишлаб чиқилди. И.А.Каримов 1997-йил 29- августда Олий Мажлиснинг IX- сессиясида “ Баркомол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” мавзусида маъруза қилди. Маърузада олдимизга қўйилган буюк мақсадларимизни рўёбга чиқариш йўллари, авваламбор замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқ эканлиги асослаб берилди ва бир қатор вазифалар илгари сурилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида олий таълимнинг асосий мақсади бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардош, юқори малакали мутахассислар тайёрлашдан иборат. Шу мақсадни амалга оширишда бўлажак мутахассис билим ва кўникмаларининг мустаҳкамлиги, улар эгаллаган билимнинг атрофлича ўрганилгани катта аҳамият касб этади. Республикамиз Президенти Ислам Абдуғаниевич Каримов айтганларидек «...мамлакатимизнинг бой илмий - техникавий салоҳиятидан кенг фойдаланган ҳолда, юксак технология ва фан ютуқларига асосланган ишлаб чиқариш соҳалари - автомобилсозлик, самолётсозлик, микробиология, электротехника ва электроника саноатларини телекоммуникация ва замонавий ахборот технология воситаларини тез суръатларда ривожлантириш» учун сабоқ олаётган ҳар бир шахс ўзи ўрганган таълим мазмунини чуқур англаши, қаерда ва қандай татбиқ қилишни билиши, ҳаётда эса ўзи амалиётга татбиқ қила олиши керак¹.

Дарҳақиқат, баркомол инсон шахсининг шаклланиши бевосита узлуксиз таълим жараёнида амалга ошади. Давлат таълим стандартларида бўлажак мутахассис эгаллаши кўзда тутилган билимларни чуқур ва атрофлича баён қилиниши ҳамда ўргатилишига алоҳида аҳамият бериш “Миллий дастур” да кўзда тутилган асосий

мақсадни амалга ошириш бўйича катта натижа беради.

Шундай экан, ҳар жабҳада муваффақиятга эришиш, жумладан юқори малакали кадрлар тайёрлашда миллий дастурни ўрни ва аҳамияти беқиёсдир². Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясида сўзлаган нутқида кадрлар тайёрлашнинг аҳамиятига изоҳ бериб шундай деган эди: «Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурияти туғилмасин, гап охир оқибат, бирибир кадрларга бориб кадалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимиз келажаги, ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ қилиб айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ...».

Миллатлараро муносабатларда ўзаро мулоқат маданияти муҳим аҳамият касб этади. Ўзаро муносабатларнинг уйғунлиги, бир - бирини тушиниш ва англаш даражаси бевосита миллий маданиятларнинг умуминсоний қадриятлар томон онгли ҳаракатига боғлиқ. Бу жараёнлар илмий тадқиқот ва янгича фикрлашнинг асосидир. Чунку бу жараёнларни тўғри шакллантирмасдан туриб биз, турли миллатлараро низоларни олдини олиш омилларини аниқлай олмаймиз. Албатта ҳар бир мустақил давлатда аҳолининг ўзаро муносабатларини кузатиш бевосита шундай омиллар мавжудлигини кўрсатади. Ҳозир илмий доираларда “мулоқот маданияти” муаммоси бўйича кўп изланишлар олиб борилмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Абдуғаниевич Каримов “Жахон молиявий- иқтисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тузувчи : Б.Ю. Ходиев, А.Ш. Бекмуродов, У.В. Ғофуров, Б.К. Тухлиев – Т: Иқтисодиёт, 2009 йил.

² И.А. Каримов “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”.Тошкент -1997йил

Маълумки, ҳар бир давлат, ҳар қайси мамлакатнинг тараққиёт даражасини, халқаро майдондаги обрў – эътиборини белгилашда, аввало, ундаги тинчлик, барқарорлик ва фуқаролараро тотувликнинг нечоғоли мустаҳкам экани асосий мезон бўлиб хизмат қилади.

Ўлкамизнинг бойликлари, кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак кадрятимиз, бу жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликдир.

Мустақиллик шарофати билан ҳаммамизнинг умумий хонадонимиз бўлган юртимизнинг ижтимоий ва маънавий бойликларини асраб - авайлаш кўпайтириш билан бирга миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, беғубор осмонимиз остида яшаётган барча миллат ва елатларнинг азалий маънавий ва ахлоқий кадрятларини янада бойитиш ва ривожлантириш учун ҳамма имкониятлар муҳайё қилинган.

Юртимизда фуқаролик жамияти қурилиши жаройинида ҳар бир миллатни, елатни уларнинг қанчалигидан, сонидан қатъий назар, сақлашга, авайлаб – асрашга катта эътибор берилмоқда. Зероки, ҳар бир миллат ва элат бу тарих мобайнида шакилланган, ривожланган ўзига хос маданий бойликдир. Жамиятнинг жозибадорлиги, гўзаллиги, бойлиги ана шу маданий бойликларнинг хилма - хиллигидадир. Ҳар бир миллатнинг тарихий шаклланиши ва ривожланишида бошқа миллат ва елат билан ҳамкорлиги, моддий ва маънавий алоқалари жуда катта роль ўйнаган. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида ҳар бир миллат ва елатларнинг қонун олдида ҳақиқий тенглигини таъминлаш билан бирга уларнинг моддий, айниқса миллий - маънавий эҳтиёжларни тўла қондириш, еркин меҳнат қилишлари, маълумот олишлари учун тенг имкониятлар очилди.

Мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари тинчлик-осойишталикда ягона оила фарзандларидек аҳилу иноқ яшамоқда.

Уларнинг эмин - эркин меҳнат қилиши, саноати ва маданиятини, ўзига хос урф – одатларини сақлаш ҳамда ривожлантириш учун барча шароит яратилган. Республика байналминал маданият маркази ана шу миллат ва елатларнинг етник ўзига хослиги, тили, урф - одати, анъаналарини сақлашда муҳим роль ўйнаётир.

Мавзунинг долзарблиги.

Мамлакатимиз мустақиллиги бизнинг ҳаётимизда янги саҳифа очди. Президентимиз И.А.Каримов таъбири билан айтганда “... бу жараёнларни илмий назарий асосларини уларнинг янги – янги қирраларини мукамал очиб бериш, ўқитувчиларимиз талабаларимизга, кенг жамоатчиликка содда, лўнда қилиб тушунтириб бериш ва уларни янги замон талабларига жавоб берадиган, жамият қурилишининг фаол ва жўшқин иштирокчиларига айлантиришдан иборат”.¹ Бу вазифаларни бажариш ўз – ўзидан бўлмайди. Мустақиллик бизга имконият берди, йўл очди, аммо бу имкониятдан фойдаланиб, мамлакат тараққиётини янги даражага кўтариш бўлса, бизнинг мамлакатимизга, уюшқоқлигимизга, тотув ва аҳиллигимизга боғлиқ.

Бинобарин гап бизнинг, яъни Ўзбекистон аҳолисининг тотувлигида, аҳиллигида ҳаракат ва меҳнатининг самарадорлигида.

Ҳозирги пайтда жамиятимизнинг барча соҳаларида ўтказилаётган ислоҳатларнинг тақдири, мамлакатимизнинг келажаги кўп жиҳатдан миллатлараро муносабатларга боғлиқдир. Шу туфайли Президент И.А.Каримов – “... миллатлараро ва элатлар ичидаги ўзаро алоқалар, муаммолари стратегик аҳамиятга эга бўлиб бўрмоқда ва минтақадаги давлатлараро муносабатларни йўлга қўйишда алоҳида эътибор беришни талаб қилмоқда”.

Мустақиллик нафақат сиёсий – иқтисодий ва маданий, маънавий, балки миллатлараро муносабатларни ҳозирги замон талабларига ҳос

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.; Ўзбекистон, 1997. Б.76-77.

ривожлантиришни тақозо этади. Айтиш жоизки кўп миллатли Ўзбекистонда яшайдиган ҳар бир миллат ўз тили, миллий урф одати маданияти маънавий мерос ва анъаналарига эга бўлиши, ўз маданиятини ривожлантириши Республикамиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб келмоқда ҳамда ҳукуратимиз томонидан қабул қилинган қонунларда ўз аксини топмоқда.

Магистрлик диссертациянинг долзарблиги Ўзбекистонда яшайдиган барча миллатлар тотувлигини таъминлаш, уларнинг маданий меросини асраб авайлаш чора тадбирларининг ишлаб чиқиши, миллий низоларнинг келиб чиқишига йўл қўймаслик масалаларини қай даражада ўрганилганлигидан келиб чиқади.

Миллатлараро тотувлик мустақиллик шароитида янги сиёсий – иқтисодий асосларга таянган ҳолда шаклланади.

Мен ушбу илмий тадқиқотда миллий маданий марказларни миллатлараро муносабатлар ва жамиятда тутган ўрни, мустақиллик шарофати билан миллий ўзлигимизни англаш, миллий муносабатлардаги зиддиятлар ва уларни бартараф этиш йўллари, миллатларнинг тотувлиги ҳамда ҳамжиҳатлигининг жамият тараққиётидаги рўли ҳақидаги долзарб масалани ёритишга ҳаракат қилдим.

Мавзуни ўрганилиш даражаси.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг маданий марказларни фаолиятида янгича ўзгаришлар бўлди. Бироқ бу соҳа фаолиятини ёритадиган комплекс илмий тадқиқот ишлари олиб борилган бўлса ҳам бу мавзуни яхлит ҳолда ўрганилган эмас. Мавзуга оид маълумотлар Президент асарларида айрим олимлар (Хоназаров Қ, Туленов Ж ва Ғофуров З, Шермухаммедов С, Чебоксаров Н.Н, Чебоксарова И.А, Равмир Лян)нинг рисолаларида² турли конференция ва семинар материалларида

² Хоназаров Қ. Мустақиллик ва миллий муносабатларнинг ривожланиши. Т.; “ЎАЖБНТ”, 2001. Туленов Ж ва Ғофуров З. Миллатлараро ҳамжиҳатлик давлатимиз бойлиги. Т.; “Ўзбекистон”.1999. С.Шермухаммедов. Ижтимоий тараққиётда миллатлараро алоқада маданиятнинг аҳамияти. Т.;

чоп этилаётган газета ва журналлар саҳифаларида учрайди. Бундан ташқари айнан Ўзбекистонда миллий маданий марказлар фаолияти тўғрисида яхлит тадқиқотлар олиб борилган эмас. Ушбу ҳолат мавзунини қанчалик ўрганилишини тақозо этди. Шундан келиб чиқиб биз ўз магистрлик диссертациямизда Республика миқёсидаги ҳамда Фарғона худудидаги миллий маданий марказлар фаолияти ҳақида маълумот бердик.

Илмий янгилиги. Ўзбекистон ўз тараққиётига эга ва шу асосда ривожланмоқда, бироқ бизнинг давлатимиз кўпмиллатли бўлгани учун иқтисодий ривожланиш бевосита миллатлар ва элатлар ўртасидаги тотувликка боғлиқ. Чунончи, мамлакат тараққиётининг ривожланиб бориши бевосита миллат ва элатларнинг аҳиллиги, иноқлиги, тотувлиги ҳамда ўзаро ҳамжиҳатлигига боғлиқдир.

Биз мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимизда кичик халқ ва элатларни ўзига ҳос ва мос усулда ривожланишига йўл очди. Давлатимиздаги бу кичик диаспоралар ўзини миллий менталитетини қайта тиклашга урф-одатларини ва тилини қайта ривожлантиришга катта эътибор берилди. Уларни диний эътиқодлари ҳамда расм-русумларини бажаришга ҳам имконият яратилди. Айнан шулар давлатимизнинг мустақиллигини илк кунларида кўзга ташланди. Хусусан 1992 йилда “Виждон эркинлиги” ва “Диний эътиқодлар” тўғрисидаги қонун³ унинг ҳуқуқий кафолатларидан бири бўлди. Демак, мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланишда миллатлараро тотувлик катта салоҳиятга эга. Ана шундай барқарорликка эришишда миллий маданий марказлар фаолияти муҳим ўрин тутди.

Магистрлик диссертациясининг мақсад ва вазифаси.

магистрлик диссертациямнинг асосий вазифаси шундан иборатки,

“Ўзбекистон”, 1999. Н.Н.Чебоксаров, И.А.Чебоксарова Народы расы культуры. М. ; 1989. Ревмир Лян. В дали от родины пред ков. Фарғона, 2007.

Ж.Туленов ва З.Ғофуров. Мустақиллик ва миллий тикланиш. Т.; “Ўзбекистон”, 1996.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти девони нашри, Хабарнома, 2 сон. (23). 1992, -Б. 120.

Мустақиллик шароитида эркин бозор муносабатларини ривожлантиришда, миллий маданий марказлар фаолиятини бутун Республика ҳамда Фарғона вилоятида маданий ҳаётдаги ўрни ҳамда аҳамиятини ёритишдан иборат.

Магистрлик диссертациянинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда куйидаги вазифалар белгиланди:

- Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир миллат ва элатнинг тили, маданияти урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш ва эъзозлаш.

- Мамлакатда барча миллат ва элатлар ўртасидаги низо, ғанимлик каби ёмон иллатларга йўл қўймаслик.

- Мамлакатда аҳоли тотувлиги ҳамжиҳатлиги, ҳамкорлиги, ўзаро бир бирига бўлган ҳурматни юксалтириш.

- Бутун Республикада яшаётган халқлар ва элатлар ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни ривожлантиришда миллий маданий марказларнинг салоҳиятини оширишнинг назарий асосларини яратиш.

- Ёшлар онгига миллат ва элатларнинг урф-одатлари, маданиятларини тарғиб этиш ҳамда ривожлантиришда миллий маданий марказларнинг Фарғона вилоятида олиб борган ишларини таҳлил этиш.

Магистрлик диссертациясининг методологик усуллари

Магистрлик диссертациянинг методологик асосини объективлик, тарихийлик, ҳолислик, ҳартомонлама ёндашиш каби тамойилларни ташкил этади.

Миллий маданий марказларнинг фаолиятини ўрганишда Президент И.А.Каримов асарлари муҳим назарий ва услубий аҳамиятга эга.

Магистрлик диссертациясининг структураси

Магистрлик диссертациянинг таркиби кириш, 2 та асосий БОБ, 4 та параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхатидан иборат.

I – БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ МУНОСАБАТЛАР

1.1. Ўзбекистон кўпмиллатли давлат.

Мустақил Ўзбекистон тарихини ўрганар эканмиз, унинг диққатимизни ўзига тортадиган томонларидан бири, юртимизнинг элимизнинг кўпмиллатлигидадир. Қадим замонлардан бери ўзбеклар билан бир қаторда миллий худудимизда тожиклар, қozoқлар, туркманлар қирғизлар, уйғурлар ва бошқа миллат вакиллари истиқомат қилганлар.⁴

Булардан ташқари юртимизга қўшни давлатлардан келган ва шу ерда жойлашиб қолган эронийлар, афғонлар, ҳиндлар, хитойликлар ҳам яшашадилар. Араб истилосидан сўнг Мовороуннаҳрга кўчиб келган ва шу ерларда яшай бошлаган араблар Бухоро ва Қашқадарё томонларда ўз қишлоқларини ташкил қилган. Ҳозирги кунда ҳам бу арабларнинг авлодлари шу худудда яшаб келаяпти.⁵

Даврлар ўтиши натижасида худудимизда руслар, украинлар, белоруслар озарбайжонлар, Кавказ ва Волга бўйида яшайдиган татарлар, молдавлар, марилар, удмуртлар, башқирдлар ҳамда бу миллатлар билан бирга олмонлар, болгарлар, венгрлар ва бошқа миллат ва элат вакиллари худудларимизга кўчиб келиб ўрнашди ва шу ерларда яшай бўшлади. Чоризм даврида арман халқига нисбатан амалга оширилган арман – озарбайжон қирғини натижасида ўн мингаб арманлар бизнинг диёримизга келиб жойлашди.⁶

Ўзбекистон аҳолисининг кўпмиллатлигини ўсиши узоқ тарихга эга бўлиб, бу жараёни уч даврга бўлиш мумкин.

Биринчи даври. Чоризм давригача бўлган асрларни ўз ичига ўлади. Кўпмиллатлилик бу асрларда секин – аста юксалди. Маълумки Ўрта Осиёни забт этган Искандар Зулқарнайнинг минглаб сафдан чиққан

⁴ Қ.Хоназаров. Мустақиллик ва миллий муносабатларнинг ривожланиши. Т.; “ЎАЖБНТ”, 2001. Б 33.

⁵ Ўша жойда.

⁶ Ўша жойда.

жангчилари, бу дунёни қулай иқлими ва шароитларини кўриб шу ерда ўтроқ бўлиб қолиб кетган.

Юртимизнинг кўпмиллатлигини яна бир йўналиши бу Буюк ипак йўлини бизнинг диёрдан ўтганлиги. Шарқ ва Ғарбни боғловчи бу йўлда минглаб кишилар ўз ҳаётларини бағишлаган эди. Бу йўл кўп тармоқли бўлиб, дарахтнинг илдизидек турли томонларга кириб борган эди. Карвон эгалари, хизматчилари ва хизматкорлари юртимизнинг минглаб қишлоқларига ҳамда мамлакат бўйлаб жойлашган ўнлаб шаҳарлар, хунармандчилик марказларида савдо – сотиқ расталарини куриб бу юртга доимий ёки ярим ўтроқ ҳаёт кечириш учун келиб жойлашган. Ундан ташқари булар маънавият, маърифат, маданият манбаларига ўз ҳиссаларини қўшишди.

Бунинг натижасида кўплаб халқ ва қабила вакиллари Ўзбекистонни ўзининг доимий Ватанлари сифатида танлаб, шу ҳудудни ривож учун ўз ҳиссаларини қўшишди ҳамда бунга эришдилар. Бу жараёнлар ҳозирги давргача давом этмоқда. Ана шу сабабли ўзбек миллатининг ўртача этник қиёфаси ҳали ҳам шаклланмаган, ўзбеклар ўртасида қозоқларга, қирғизларга, ҳиндларга, туркларга ва бошқа халқларга ўхшайдиганлар учраб туради.

Ўзбекистон аҳолисининг кўпмиллатлигини ўсишининг иккинчи тарихий палласи Ўрта Осиёни Россия томонидан босиб олиниши жараёни ва мустамлакачилик йиллари билан боғлиқдир.

Истило натижасида юртимиз дунёда ҳудуди энг катта ва аҳолиси энг кўп миллатли давлатнинг бир қисмига айланди. Юртимизга бойиш, энгил ҳаёт кечириш, янги ерларда ўзига хусусий мулк орттириш истагидагилар оқиб кела бошлади. Натижада Ўзбекистонда аҳолини кескин ўсиши кузатилди. 1897 йили Россия империяси бўйича биринчи мартта аҳолини рўйхатга олиш ўтказилди. Айнан 1987 йилги

маълумотларга кўра Ўзбекистон худудида 70 дан ўртиқ миллат ва элатлар яшаётганлигини билиш мумкин.⁷

Аҳолини ўсиб бориши бу тарихнинг учинчи палласига киради. Бу 1917 йили Россия империяси тарихида октябр тўнтарилиши ва ҳокимият ва болшевиклар назоратига ўтди. Бу босқичлар бир неча ўзгаришлар натижасида амалга ошди.

Биринчидан янги ҳокимият ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва душман кучларини тор-мор қилмоқ учун Ўрта Осиё марказдан турли ҳарбий қисмларни юбориши ҳамда янги саноат корхоналарини қурилиши ва уларни инженер техник мутахассисларини бу ҳудудга юборилиши мажбуран кўчирилиши бунга ёрқин мисол бўлиши мумкин. Булардан ташқари ўзлақамизни руслаштиришга қаратилган ҳаракатлар ҳам бўлиб ўтди. 1926 йили ўтказилган аҳоли рўйхатини маълумотларига қарайдиган бўлсак, диёримизда 91 та миллат ва элат вақиллари истиқомат қилиши аниқланган. Демак, 29 йил (1897-1926 йили) оралиғида Ўзбекистонда истиқомат қилиб турган миллат ва элатлар сони 70 тадан 91 тага яъни, 30% га ошган эди.

Навбатдаги аҳоли рўйхати 1959 йилда ўтказилди. Ўтган ўттиз уч йил (1926-1959 йил) ниҳоятда ҳаяжонли воқеаларга тола бўлди. Шуларнинг орасида энг даҳшатлиси 1941-1945 йиллардаги 2 жаҳон урушидир.

Инсоният тарихида ҳеч бир давлат, ҳеч бир урушда 27 миллион 343 минг жангчиси ва фуқаросидан жудо бўлган эмас. Бу 1418 кун давом этган урушда Ўзбекистондан 1.433.230 киши иштирок этган.

Республика аҳолисининг умумий сони 6,5 миллионни ташқил этади, ундан кексалар, ёш болаларни ва оналарни ҳисобга олмасак, 1,6-1,7 миллион ҳарбий хизмат ёшидагилар қоляпти. Булардан деярли 90% урушга ёки ишчи фронтга кетишганлар. Шулардан ҳалок бўлганлар, бедарак кетганлар ҳамда ногирон бўлиб қайтишган.⁸

⁷ И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.

⁸ И.А.Каримов. Туркистон умумий уйимиз.; “Ўзбекистон”, 1995, -Б.11.

Собиқ Совет давлатини бу урушда ғалаба эришишга ўз худудини фавқулодда катталиги ҳамда жабҳадан узоқ жойлашган худудларни ўз таянчи ва қуролхонасига айлантирган эди.

Шулардан бири Ўзбекистон бўлди. Диёримизга мамлакатнинг ғарбий худудларидан янги харбий ҳаракатларга тортилган қисмдан кўплаб завод ва фабрика, маданият муассасалари ва аҳоли кўчирилиб келинди. Ҳарбий саноат корхоналари одатда ўз инжинер техник ва мутахассислари оиласи билан кўчирилиб олиб келинган.

Булардан ташқари 1941-1945 йиллар ичида Ғарбдан Шарққа шулар қатори Ўзбекистонга юз минглаб аҳоли кўчирилиб келинган бўлиб, уни аниқ ёритадиган рақамлар йўқ бўлиб, борлари ҳам бу манзарани тўлиқ ёрита олмайди.⁹

Чунки шошма шошарлик вазиятларида аниқ ҳисоб-китоб олиб борилмаган.

Лекин 1956 йилда аҳоли рўйхатлари оралиғида Ўзбекистонда русларнинг салмоғи ошганлигини кўришимиз мумкин.

Собиқ совет тузуми томонидан амалга оширилган саноатлаштириш, қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш, миллатларнинг ўзлигини кучсизлантириш ва сусайтириш мақсадида буларнинг мумкин қадар кўпроқ аралаштириб юбориш сиёсати ўз “мева” сини бера бошлади ва юқорида таъкидлаганидек, 33 йил яъни 1926-1959 йиллар ўртасида Республика аҳолисининг кўпмиллатлигини ўсишида ҳақиқий “революция” юз берди десак янглишмаган бўламиз, фақат Ўзбекистоннинг ўзида 1959 йилда ерли бўлмаган 104 миллат ва элат вакиллари шу жумладан, илгари умуман бўлмаган цахурлар, абазинлар, туволилар, буриятчукчалар ҳам аҳоли таркибида пайдо бўлди. Шу ерда Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларини эсламасликни иложи йўқ. “Халқимиз, - дейди И.А.Каримов, - ва давлатимизни тарихий хотирасида антисемитизм, ирқчилик ва ўзга миллатга, ўзга халқни менсимасдан, хурматсизларча

⁹ Хоназаров Қ. Мустақиллик ва миллий муносабатларнинг ривожланиши. Т.; УАЖБНТ. 2001-Б.; 35

муносабатнинг бошқача шакллари намоён бўлган шармандали саҳифалар йўқлиги билан фахрланаман”.¹⁰

Миллатдан қатъий назар инсонларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиши ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам кўрсатиш Ўзбекистонга хос фазилатларидан. Кўпмиллатликни ўсишида 1926-1959 йиллар асосий ўрин эгаллайди десак янглишмаган бўлардик. Чунки бу давр ичида Ўзбекистонда истикомат қилувчи халқлар 91 тадан 113 тага етди.

Ўзбеклар 1959 йилда аҳолини 62,1 фоизни ташкил қиларди, меҳмондўстлиги, бағрикенглиги ҳар бир кишига миллатидан қатъий назар “У ҳам худо яратган инсон” деб қараши натижасида Ўзбекистонда ерли бўлмаган халқлар кўпайиб борди. 1959 йилнинг охирларида юртимизда ўзбекларнинг салмоғи сезиларли даражада кўпая бошлади. Бунинг сабаби ерли бўлмаган миллат ва элатнинг камайишидан эмас, уларнинг сони кун сайин ўзгина бўлсада кўпаймоқда. Аммо ерли аҳолини яъни ўзбекларни кўпайиб бориши, бу аҳолини Европаликларга нисбатан тезроқ ўсишидадир. Русларнинг оиласида ўртача ҳисобда 2-3 та фарзанд бўлади, болажон ўзбек халқида эса бу ўртача бир оилада 5-6 та фарзанд бўлишини кўрсатади. Натижада Ўзбекистонда ўзбекларни ўсиши русларникига нисбатан 5 бараварига ошди.

Юқорида санаб ўтган омиллар таъсирида 1989 йилда Ўзбекистонда яшайдиган руслар 8,3 фоизга 2000 йига келиб эса бу кўрсаткич 6,5 фоизни ташкил қилди.

1991 йили Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилди. Бу эса собиқ Республикаларда жиддий демократик жараёнлар юз берди. Бунинг натижасида рус аҳолисининг маълум қисми ўзининг ватани Россияга қайтди, қолганлари эса шу масканни ўзларига Ватан деб билишди. Бошқа Республикаларга нисбатан бу ерда яшайдиган руслар Ўзбекистон

¹⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавсизликка таҳдид. Барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: “Ўзбекистон”, 1997. –Б.811.

тараққиёти учун саноат, корхоналар ишлаб чиқаришида ва бошқа соҳаларда чин юракдан ишлашмоқда.

1991-1996 йилларда Ўзбекистондан кўчиб кетган миллат ва элатларнинг кўплари яна қайтиб келишди ва тараққиётимиз учун ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Кўп миллатли Ўзбекистон ривожланишда асосан, шу халққа, шу миллатга суянар экан уларнинг ҳошиш истакларини инобатга олмасликнинг иложи йўқдир. Шунинг учун Ўзбекистонда диний эркинлар берилди ва бунга кўмакчи қилиб миллий маданий марказлар очилди. Миллий маданий марказлар ёрдамида бозор муносабатларига ўтишнинг дастури ишлаб чиқилди ҳамда ҳар бир миллат ва элат ўз урф-одатларини қадрлашни, мҳнавиятни ошишни халққа ўргатди. Давлатимиз янги даврга янги ҳаётга қадам қўйиши билан кўпмиллатли халқни бошқаришда миллий маданий марказларга эҳтиёж сезди ва бунинг учун уларнинг фаолиятига эркинлик берилишини тушуниб етди. Аҳил диёримизнинг тараққиётида миллат ва элатларнинг аҳиллиги ва иноқлиги биринчи ўринда туради. Ўзбекистонда миллат ва элатларга бўлган бундай эътибор дунёдаги ҳеч бир давлатда кўринмайди. Ҳатто Президентимиз И.А.Каримов ҳам ўзининг асарларида ҳам бу масалага тўхталиб ўтган. Аҳил диёримизда 1897 йили 70 миллат ва элат вакиллари яшаган бўлса, ҳозирги пайтда бу кўрсаткич ошди. У ҳам бўлса 136 миллат ва элат вакилларини ташкил этади.¹¹

Ўзбекистон Европадаги бошқа ривожланган давлатлардан фарқли ўлароқ, ривожланишда 136 миллат ва элат вакилларига ишониб иш олиб боради. Бу миллат ва элатлар ўртасидаги азалий тотувликни давом эттирган ҳолда кўплаб миллий маданий марказлар ташкил этилди. Буларга бўлган ишонч эса ортиб борди. 1989 йили Маданият Вазирлиги қўшида миллатлар аро маданият марказини ташкил этилиши булар учун кенг имкониятлар йўлини очди. Шу билан бирга 1992 йили 24 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори билан Ўзбекистон

¹¹ Хоназаров Қ.Мустақиллик ва миллий муносабатларнинг ривожланиши. Т.; “ЎАЖБМТ”, 2001, Б. 38.

Республикаси “Байналмина маданият” марказини ташкил этилиши миллий маданий марказларни миллат ва элатлар ўрасида эркин ишлашларига имкониятлар берди.¹²

И.А.Каримов Республика Байналминал маданият марказини очилишида иштирок этди ва бу марказини келажакда юксак ишлар кутаётганини айтиб ўтди. Очилиш маросими И.А.Каримовни кириш сўзи билан очилди.

Ўзбекистон дейди И.А.Каримов – бугунги кунда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари тенг ҳуқуқлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик шароитида аҳил, иноқ яшаб меҳнат қилаётган кўпмиллатли мамлакатдир.

Қадимий диёримизда асрлар давомида турли маданият ва цивилизациялар ёнма – ён яшаб тургани бу эса бағрикенглик, тинчлик парварлик, саҳоват ва меҳр оқибатлилик фазилатлари билан ажралиб турадиган ҳалқимизнинг ўзига хос менталитети шаклланишида муҳим аҳамият касб этгани шубҳасиздир.

Бу нафақат ноёб ўзига ҳослик, балки аҳамияти ва моҳияти жиҳатидан ҳар биримиз учун бебаҳо бўлган ғоят катта бойликдир. Бир томондан ҳалқларнинг ўзига хослиги ва бетакрорлигини сақлаш учун, бошқа томондан – тарихан шаклланган қадимий миллий, маданий маданиятлар саноат ва ҳалқ ижодиёти юз йиллар давомида таркиб топган миллий анъана ва урф-одатларнинг ўзаро яқинлашуви ва бир-бирини бойитиши учун мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳурмат муҳитини қарор топтириш учун очилаётган имкониятларнинг не чоғли юксак аҳамиятга эга эканини ҳам алоҳида таъкидлашимиз жоиз.

Инсонлар ўртасидаги ана шу ўзаро ҳурмат муҳити, улар қайси тилда сўзлашишидан қатъий назар Ўзбекистон деб аталган умумий уйимизда ҳукм сураётган тинчлик барқарорлик, ва осойишталикнинг энг муҳим асосий ва гарови бўлиб хизмат қилмоқда. Бир қарашда оддий туюладиган

¹² Ўзбекистонни янги тарихи, Т.; “Шарқ” 2000 й. Б.215

аммо ғоят теран ва муҳим бўлган бундай тушунча ва ҳақиқатлар тўғрисида гапирар эканмиз – Сиз миллий маданий марказлар раҳбарлари ва фаолларининг ҳалқимиз миллатимиз фаровонлиги осмонимиз мусоффолиги фарзандларимиз ва набираларимиз келажаги йўлида қилаётган том маънодаги олижаноб ва фидокорона меҳнатингиз учун ҳар қанча таҳсин тасаннолар айтсак арзийди. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки Республика байналминал маданият маркази ўз фаолияти давомида мамлакатимизда миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни янада мустаҳкамлашга қаратилган янги ғоя ва ташаббуслар пайдо бўлаётган ҳақиқий дўстлик уйига айлатиринглар.¹³

Президентимиз шунчалик ишонч билан бу гапларни айтяптими десак, бундай миллий маданий марказлар мустақиллик йилларимизда бизга керак бўлиши ва миллатлар ўртасидаги тотувликни таъминлашда бу марказларни ўрни беқиёс эканлигини биламиз.

¹³ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.; “Ўзбекистон”, 1997. Б. 215.

1.2. МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗЛАРНИНГ САЛОҲИЯТИ

Мустақиллик йилларида кўп миллатли Республикада миллат ва элатлар ўртасида тинчлик ва тотувликни сақланганлиги Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлидан ривожланишда қўлга киритилган катта ютуқлардан биридир. Чунки 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайдиган мамлакатда тубдан янгилаш, бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтказиш осонлик билан амалга ошмайди. Бу борада ҳукумат энг аввало конституциявий талаблар асосида иш олиб борди. Аҳолини барча табақаси ва турли миллат вакиллари диққатини бир нуқтага қаратди. У ҳам бўлса “қонун олдида ҳаммани тенглиги”.

Шу билан бирга 1989 йили октябрда Олий Кенгаш Сессиясида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши баъзи руссизабон ва бошқа тилдагилар учун ноқулайликлар келтириб чиқарди.

Буларни руҳан тайёр эмаслигини ҳисобга олган ҳолда давлат раҳбарлари дастурни секин-аста ҳаёт тақозоси асосида ўзгартиришлар киритиб келишмоқда. Давлатимизда мунтазам суръатда тил тўғрисида тушунтиришлар олиб борилди. Бунга миллий маданий марказларни ёрдами катта таҳсинларга лойиқ.

1995 йил 21 декабрда Олий Мажлис IV сессиясида “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб боришдир. Ушбу қонуннинг тўртинчи моддасида:

Ўзбекистон Республикасида давлат тилини ўрганиш учун барча фуқароларга шарт-шароит ҳамда унинг ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг тилларига иззат ҳурмат билан муносабатда бўлиши таъминланди ва бу тилларни ривожлантириш учун шарт – шароит

яратилади¹⁴ - деб ёзиб қўйилган. Бу қуёида миллатлар аро дўстлик муносабатларини яқинлашга хизмат қилаб бошлади. Буларни амалга оширишда миллий маданий марказларни тузиш ва кўпайтиришни тақозо этади. Миллий маданий марказлар туб аҳоли бўлмаган халқларни, миллий анъаналарини ўзига хос урф-одатларини ва маданиятларини ривожлантиришга кўмаклашувчи бир ташкилотдир.

1989 йилда Маданият вазирлиги қошида мамлакат миллатлараро Маданият марказлари ташки этилди. Бунинг таркибида 12 та жумладан Корейс, Қозоқ, Арман, Озарбайжон, Тожиқ,... . ва бошқа маданият маркази фаолият кўрсатар эди. Вақт ўтгани сайин буларни сони ҳам ортиб борди. Хусусан мустақиллигимизнинг бешинчи йилида бундай марказлар сони 80 тани ташкил этди.

Бундай ривожлантириш ўз навбатида давлатимизни буларга бўлган ишончини билдиради ва уларни фаолиятини мувофиқлаштиришни тақозо этади. Шу мақсадда 1993 йил 24 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорини билан “Ўзбекистон Республикаси Байнилмаинал маданият маркази” ташкил этилди.¹⁵ Бу байналминал маданият маркази Республикадаги миллий маданий марказларни бирлаштирди ва уларни бир - бирлари билан ҳамкорликда иш олиб боришга кўмаклашмоқда.

Бу марказ қошидаги миллий маданий марказлар фаолиятидаги муҳим йўналиш, умумхалқ байрамларига, диёримиздаги жамики миллат ва элатларни иштирок этилиши ва унда ўзининг миллий анъаналарига содиқ қолган ҳолда байрамда иштирок этишини таъминлайди.

Шунингдек, миллий анъаналаримизни урф-одатларимизни ҳамда миллий қадриятларимизни сақлаш ва авайлаш шуларнинг зиммасида. Жумладан, Республикамизда ўтказиладиган анъанавий миллий байрамимиз “Наврўз” нафақат маҳаллий миллат вакиллари, балки Республикада

¹⁴ Ўзбекистонни янги тарихи. 3 том, Т.; “Шарқ”, 2000. Б. 241,242.

¹⁵ Хоназаров Қ. Мустақиллик ва миллий муносабатларни ривожланиши. Т.; “ЎАЖБНТ”, 2001, Б. 39.

яшайдиган барча миллат ва элатлар бу байрамда иштирок этишади. Ўз навбатида маҳаллий миллат байрамлари билан бирга бошқа миллатларнинг ҳам байрамлари нишонланади. Масалан, русланинг миллий байрами бўлмиш “Маслинница рождество”, татарларни “Сабонтой” ва бошқа бир қатор миллат ва элатларнинг байрамларида маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам иштирок этиб келишади.

Бу бир тарафдан маълум бир халқнинг миллий байрамини ўзига хос анъана урф-одатларини ўрганишга, бошқа бир миллатни шу миллатга бўлган ҳурматини ва ёшлар дунёқарашида миллий қадриятни англатиш ўзаро қариндошлик ва ҳурмат асосида умумий хонадон-ягона Ватан туйғусини сингдиришга хизмат қилади.

Шу маданий марказлар билан бирга миллий маданият марказлар мамлакатда, соғлом, маънавий, маданий ҳамда руҳий иқлимнинг барқарори бўлишини таъминлайди. Миллий маданий марказлар Байналминал маданият маркази қўшида Ўзбекистон тараққиётига ва шу тараққиёт йўлида миллатлараро тотувликда яшашга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Шуларни инобатга олган ҳолда Президентимиз И.А.Каримов ҳам муайян бир миллат вакиллари эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи жамоат ташкилотлари тузишларига рухсат берди. Аммо бу тузиладиган марказлар Ўзбекистон Республикасини жамоат ташкилотлари тўғрисидаги қонунларга, ҳамда миллий маданий марказларни ўз низомларга асосланиб фаолият олиб боради. Миллий маданий марказлар муайян миллатга хос бўлган миллий маданияти, тили, урф-одатлари, анъана ва таомилларини ўрганиш, сақлаб қолиш ва уни ривожланишидан манфаатдордир. Буларнинг барчаси Ўзбекистон фуқароларини аҳил иноқ ва қон қариндош бўлиб кетишини ҳамда ва шу ватан учун бирлашини қўллаб-қувватлайди.

Дастлаб миллий маданий марказлар Ўзбекистон ҳудудида Корейлар, қозоқлар, яҳудийлар, арманлар томонидан 1989 йилда

вилоятларда ўз фаолиятларини бошлади. Аммо бу марказларни тўлиқ ривожланиб эркин фаолият олиб боришлари бу Мустақилликдан сўнг бошланди. Буларни самарали фаолият олиб боришларига имкониятлар яратилди. Натижада миллий маданий марказлар сони йил сайин ортиб борди. Агар 1992 йил диёримизда миллий маданий марказлар 10 та бўлган бўлса, ҳозирги кунда бундай марказлар 138 тадан ортиқ. Улар Республика маданият марказлари вилоят, туман, шаҳар ҳамда овул маданият марказларидан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида яшовчи турли миллат вакилларини диёримизни ижтимоий, маънавий, маърифий ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлайди. Шунингдек хорижий мамлакатдаги турдош ташкилотлар ҳамда тарихий ватанлари билан дўстона ҳамкорлик, маданий маърифий алоқаларнинг тиклаш, Республика байналминал маданият маркази, вазирликлар идораси, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда ижодий уюшмалар билан ҳамкорликда мамлакатимиз аҳолисини ҳамжиҳатлиги ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш миллий маданий марказларни вазифаларидан бири ҳисобланади.¹⁶

Бу мақсад ва вазифаларига эришишда марказлар куйидаги фаолият турларини амалга ўширади: мусиқа ва театр, она тили тарихи, ёзуви, адабиёти, ҳалқ ўғзаки ижоди, театр ва рассомчилик санъати, миллий урф-одатлари, миллий спорти ва миллий ўйинлари, ҳунармандчилик ҳамда яқшанба мактабларини амалдаги қонунга мувофиқ ташкиллайди.¹⁷

Миллий маданият марказлари, миллий тил, миллий санъат турлари ва миллий урф-одатларини ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш мақсадида вилоятларда, шаҳарларда семинарлар, конференциялар, давра суҳбатлари, фестиваллар ўтказиб келишади. Унда хор ва бадий ижодий кўринишлар билан фестивалларни қизитиб турадилар. Бу марказлар фаолиятини

¹⁶ Ўзбекистонни янги тарихи. 3 том. Т.; “Шарқ” 2000. Б.242.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президент девони нашри. Хабарнома. 2 сон. 1993. Б.92.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини Қарорин билан тузилган Республика байналминал маданият маркази мувофиқлаштириб туради.¹⁸

Ўзбекистон Республикасидаги миллий маданий марказлар 2003 йил 1 июль. Республика миқёсидаги марказлар

Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Корейс маданий марказлар ассотцияси

Ўзбекистон арман маданий маркази

Ўзбекистон яҳудий маданий маркази

Ўзбекистон қозоқ маданий маркази

Ўзбекистон қирғиз маданий маркази

Ўзбекистон немислари “Видергебурт” маданият маркази

Республика “Светлица Польшка” поляк маданият маркази

Республика “Славбудич” украин маданий маркази

Ўзбекистон туркман маданият маркази

Ўзбекистон турк маданият маркази

Ўзбекистон уйғур маданият маркази

Рус маданий маркази

Қорақалпоғистон республикасида

Қорақалпоғистон Республикаси Корейслар ассотцияси. Нукус шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси Қозоқ маданий маркази Нукус шаҳрида,

Қорақалпоғистон Республикаси рус маданий маркази Нукус шаҳрида,

Қорақалпоғистон Республикаси туркман миллий маданий маркази, Тўрткўл шаҳри,

Хўжайли шаҳар Корейс маданий маркази.

¹⁸ Каримов. И.А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.; “Ўзбекистон” 1992, Б . 70.

Андижон вилоятида

Вилоят маданий марказлари Андижон шаҳрида
Арман маданий маърифий маркази,
Қирғиз маданий маркази,
Корейс маданий маркази,
Рус маданий маърифий маркази,
Уйғур миллий маданий маркази.

Бухоро вилоятида

Вилоят маданият маркази Бухоро шаҳрида,
Арман миллий маданият маркази;
Бухоро яҳудийлари, “Шалом” маданий маркази;
Ўзбекистон немислари “Витергебург” маданий маркази;
Республика “Светлица Польска” поляк маданий марказининг Вилоят филиали;
Рус маданий маркази;
Тотар – бошқирд миллий маданий маркази;
“Офтобий Суғдиён” тожик форс миллий маданий маркази;
Туркман миллий маданий маркази;
Шаҳар миллий маданий маркази;
Бухоро шаҳар Корейс миллий маданий маркази;
Бухоро шаҳар турк миллий маданий маркази.

Жиззах вилоятида

Вилоят маданий марказлари Жиззах шаҳрида:
Корейс маданий маркази;
Қирғиз маданий маркази;

Татар маданий маркази;
Тожик маданий маркази;
Шаҳар маданий маркази;
Қозоқ маданий маркази;

Қашқадарё вилоятида

Вилоят маданий маркази; Қарши шаҳрида
Корейс маданий маркази;
Рус маданий маркази;
Татар - бошқирд маданий маркази;
Араб миллий маданий маркази;

Навоий вилоятида

Вилоят маданий марказлари:
Қозоқ миллий маданий маркази Конимех шаҳрида;
Рус миллий маданий маркази Навоий шаҳрида;
Татар бошқирд “Нур” миллий маданий маркази Зарафшон шаҳрида;

Шаҳар маданий марказлари

Навоий шаҳрида яҳудий маданий маркази;
Навоий шаҳрида Корейслар “Чосон” миллий маданий жамияти;
Конимех шаҳрида Қорақалпоқ туман маданий маркази:

Наманган вилоятида

Вилоят маданий марказлари:
Яҳудий миллий маданияти маркази Наманган шаҳрида
Корейс “Миронбон” маданий маркази Наманган шаҳрида

Қирғиз маданий маркази Чортоқ шаҳри
Республика рус маданий марказининг Вилоят бўлими

Самарқанд вилоятида

Вилоят маданий марказлари Самарқанд шаҳрида
Яқудий маданий маркази;
Корейс маданий маркази;
“Рус” маданий маърифий маркази;
Немис маданий маркази;
Польшак “Палонесь” маданий маркази;
Рус маданий маркази;
Татар бошқирд маданий маркази;
Республика турк маданий марказининг Вилоят бўлими;
“Озарбайжон - Ўзбекистон” маданий маърифий алоқалар маркази;
Шаҳар маданий марказлари:
Самарқанд шаҳри арман “Луйис” маданий маркази;
Самарқанд шаҳри Бухоро яқудийлари маданий маркази.

Сирдарё вилоятида

Вилоят маданий марказлари Гулистон шаҳри
Қозоқ миллий маданий маркази;
Қирғиз маданий маркази;
Корейс маданий маркази;
Славян “Русь” маданий маркази;
Татар маданий маркази;
Шаҳар маданий марказлари;
Гулистон шаҳри Корейс маданий маркази;
Сирдарё шаҳри Корейс “Тикланиш” маданий маркази;

Янгиер шаҳри Корейс маданий маркази;

Сирдарё шаҳри уйғур маданий маркази;

Сурхондарё вилоятида

Вилоят маданий марказлари Термиз шаҳри.

Рус маданияти ассосиацияси;

Корейс маданий маркази;

Тожик маданий маркази;

Туркман маданий маркази;

Хоразм вилоятида

Вилоят маданий марказлари Урганч шаҳрида

Корейс маданий маркази;

Қозоқ маданий маркази.

Тошкент вилояти

Вилоят маданий марказлари:

Қозоқ маданий маркази Чирчиқ шаҳрида;

Корейс маданий маркази Тошкент шаҳрида;

Рус маданий маркази Чирчиқ шаҳрида;

Украин маданий маркази Тошкент шаҳрида;

Шаҳар маданий марказлари:

Олмалиқ шаҳри Корейс маданий маркази;

Олмалиқ шаҳри рус маданий маркази;

Ангрен шаҳри қозоқ маданий маркази;

Ангрен шаҳри немис маданий маркази;

Ангрен шаҳри рус маданий маркази;

Ангрен шаҳри татар маданий маркази;

Оққўрғон шаҳри қозоқ маданий маркази;

Оққўрғон шаҳри туркман маданий маркази;

Оҳангарон шаҳри қозоқ маданий маркази;
Оҳангарон шаҳри Корейс маданий маркази;
Чирчиқ шаҳри Корейс маданий маркази;
Чирчиқ шаҳри тожик маданий маркази;
Янгийўл шаҳри Корейс маданий маркази;
Янгийўл шаҳри рус маданий маркази;
Янгийўл шаҳри татар маданий маркази;
Янгийўл шаҳри украин маданий маркази;
Янгибозор шаҳри Корейс маданий маркази;

Туман маданий маркази:

Қозоқ маданий маркази Оққўрғон шаҳрида;
Бўстўлиғ тумани Қозоқ маданий маркази Ғазалкент шаҳрида;
Бўстўлиғ тумани Бўстўлиғ тумани Қозоқ маданий маркази Ғазалкент шаҳрида;
Бўстўлиғ тумани Рус маданий маркази Ғазалкент шаҳрида;
Ўрта Чирчиқ тумани Қозоқ маданий маркази Тўйтепа шаҳрида;
Ўрта Чирчиқ тумани Корейс маданий маркази Тўйтепа шаҳрида;
Ўрта Чирчиқ тумани қозоқ маданий маркази;
Юқори Чирчиқ тумани қозоқ маданий маркази;
Ўзбекистон Корейс маданий марказлари ассоциациясининг Ким Пен Хва номли корпорация ҳузуридаги базавий ташкилоти;
Уйғур маданий маркази (Ким Пен Хва нўмли корпаратив хўжалиги).

Тошкент шаҳрида

Шаҳар маданият марказлари.

Арман миллий маданият маркази;
Озарбайжон маданият маркази;
Бошқирт маданият маркази;
Беларусь маданият маркази;
Балгар маданият маркази;

Бухоро яхудийлари “Симхо” маданият маркази;
Грузин маданият маркази;
Дунган маданият маркази;
Яхудий жамъаси маданият маркази;
Қозоқ маданият маркази;
Хитой маданият маркази;
Корейс маданият маркази;
Корейс “Возраждение” жамияти;
Қрим татар “Авдет” миллий маданият маркази;
Грек маданияти жамияти;
Литва маданияти жамияти;
Рус маданият маркази;
“Ориёно” тожик маданият маркази;
Татар маданият маркази;
Турк маданият маркази;
Туркман маданият маркази;
Украин маданият маркази;
Уйғур маданият маркази;

Фарғона вилоятида

Вилоят маданият маркази Фарғона шаҳрида
Корейс маданият маркази;
Қирғиз маданият маркази;
Ўзбекистон немислари “Видергербург” маданият маркази;
Славян маданияти маркази;
Тожик маданият маркази;
Татар маданият маркази;
Яхудий маданият маркази;¹⁹

¹⁹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Қомуслар бош таҳририяти. Т.; 1997, Б.663,664.

Юқорида келтирилган маданий марказлар Республикамизнинг, жумладан Фарғона вилоятининг ҳаётида катта рол ўйнамоқда. Жумладан, маданий марказлар ташаббуси билан очилган ўқув марказлари, музейлар бундан ташқари уларнинг раҳбарлиги остида ўтказилаётган фестиваллар, ҳар хил кечалар, маданият кунлари (япон кунлари, Қозоғистон кунлари, Корейс кунлари) юртимиз аҳолиси маданий ҳаётининг юксалишида беқиёс аҳамиятга эгадир.

II. МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

2.1. Миллий – маданий марказларни фуқаролик жамияти тараққиётидаги ўрни.

Бугунги кунда Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элат вакилларининг Республикамизнинг ижтимоий иқтисодий, сиёсий ва маданий маърифий ҳаётида иштирок этиши учун етарлича шароит яратилган. Юртбошимиз ташаббуси билан 1992 йили Республика байналминал маданият марказининг ташкил этилиши миллатлар аро тотувлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлди. Ушбу марказ Ўзбекистонда фаолият олиб бўрилаётган 150 та миллий маданий марказларни бирлаштириб, биргаликда иш олиб бўрмоқда.

Миллий маданий марказлар ўтмиш қўлдирган ёмон унсурларни секин аста йўқ қилиб, ўрнига миллат ва элатларни урф-одатларини тиклашга ёрдамлашмоқда. Биринчи галда миллат ва элатларга барча соҳада имтиёзлар бериши ҳамда ўтмишда “Қалоқ халқлар” деб тамғаланган халқларни бундай халқ қарашлардан озод этиб тўлалик ташаббускорлик, ўз тарихи, маънавияти маданияти ва урф-одатларига юксак садоқатни туғдириш мақсадида миллий маданий марказлар астойдил ишлашмоқда.²⁰

Мисол учун Байналминал маданият маркази ташаббуси билан 1994 йили ўз фаолиятини бўшлаган “Халқ ижодиёти” фестивалини олиш мумкин. Бу фестивални очилиш маросимида шахсан Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов иштирок этди ҳамда журналисларни саволларига жавоб берди:

“Қадимий диёримизда асрлар давомида турли маданият ва цивилизациялар ёнма – ён яшаб келгани, бу эса бағрикенглик тинчликпарварлик, саҳоват ва меҳр-оқибатлилик фазилатлари билан

²⁰ И.А.Каримов Баркамол авлод орзуси. Т.; “Шарк”, 1999.

ажралиб турадиган халқимизнинг ўзига хос менталитетини шаклланишига муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир”.²¹

Бу фестивал ҳар икки йилда ўтказилиб туриладиган анъанавий байрамга айланди. Бу фестивалда арман, озарбайжон, тожик, қозоқ, татар, немис ва корейслар маданий марказларидан профессионал ҳамда бадиий хаваскорлик санъаткорларини чиқишларини халқ хурсандчилиги билан кутиб олди. Ҳар бир маданият марказларини чиқиши чинаккамига байрамга, ўша миллатни том маънодаги порлоқ истикболини, яшаб турган замин унинг учун бегона эмаслигини, аксинча шу юрт мана шу тупроқ тақдири учун жавобгарлик ҳиссини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Бу фестивални яқунловчи қисми мустақиллик байрами арафасида, 20 август халқлар дўстлиги саройида ҳамда байрам куни мустақиллик майдонида ўтказилиши бежиз эмас.

Шулар билан бирга Ўзбекистонда яшайдиган қардош халқлар ижодкорлари билан учрашувлар уларнинг ижодига бағишланган кечалар уюштириш ҳам миллий маданий марказини одат тусига кириб қолган тадбирларидан биридир. Кейинги йилларда миллий маданий марказининг кўмагида Ўзбекистонда Қозоғистон кунлари ўтказилиши, бу икки халқнинг янада яқинлаштирмоқда ва қариндошлик алоқаларини раванқ топишига катта ҳисса қўшяпти.

Рус маданият маркази Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда буюк рус шоири С.Я.Есенинни туғилган кунини 100 йиллиги ҳамда А.Пушкин таваллудини 200 йиллигига бағишланган кечалар бўлиб ўтди. Байналминал маданият марказида А.С.Пушкин ҳаётига бағишлаб ташкил қилинган кўрғазмада ўзбек халқини буюк рус шоирига бўлган ҳурмати нақадар чексиз эканлигини ёрқин намоиши бўлди. Бу тадбирда ўзбек маданиятининг нечоғлик буюк ва меҳмондўстлиги тараннум этилди.²²

²¹ Ўзбекистонни янги тарихи. 3 том. Т.; “Шарқ”, 2000. Б. 275.

²² Халқ сўзи// Иванов А.Куч кудратимиз аҳиллик ва ҳамжихатликда. 2007, 23 январь

Қозоқ миллий маданий маркази томонидан қозоқларнинг буюк шоири Абай таваллудининг 150 йиллигини, миллий истиқлол учун курашган Турор Рисқулов, Султонбек Хўжановлар 100 йиллиги²³ қирғиз миллий маданий маркази ёрдамида қирғизларнинг миллий фахри ва жаҳон халқ ўғзаки ижодининг энг йирик асарлардан бири “Манас” эпосининг 1000 йиллиги²⁴ татар миллий маданият маркази татарларни миллий ҳосил байрами, “Сабантой”ни айтишимиз мумкин. Татарларни бу байрами Олтин Ўрда хонлигида яшаб ҳаёт кечирган татар деҳқонларини яъни “Сабончи” ларни байрами эди.²⁵ Фарғона вилоятида фаолият олиб бораётган татар миллий маданий маркази 2008 йил июнь ойида бу байрамни нишонладилар. Бу байрам ўзбекларнинг “Меҳрихон” байрамига ўхшаб кетади. Булардан шу хулосага келишимиз мумкинки, бу айём 14 асрдан ошиқроқ тарихга эга бўлиб, ҳозиргача буни нишонлаб келишади.²⁶

Бу саналар ўз навбатида ўзбекларнинг ҳам катта байрамларига айланиб улгурди. Булар юзасидан миллий маданий марказлар, фанлар академияси бошчилигида бир қатор олий ўқув юртларида, илмий амалий конференция ва семинарлар олиб борди.

Украина Президенти Леонид Кучмани Ўзбекистонга ташрифи чоғида украин миллий маданий марказининг ташаббуси билан ташкиллаштирилган учрашувда, арман зиёлиларини ёш арман болаларига Арманистон ҳамда арман халқининг тарихини ва маданиятини ўргатиш мақсадида ташкил этилган якшанба мактабларини бориб кўришди.²⁷

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда истиқомат қилувчи миллий гуруҳлар ўз салоҳиятини ҳамда миллий анъана урф – одатлари ва миллий хазиналарини намоёни қилиш имкониятларига эга бўлишди.

²³ Ўзбекистонни янги тарихи. 3 том. Т.ю; “Шарқ”, 2000, Б. 275.

²⁴ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари. Т.; “Ўзбекистон”, 1997, Б.79.

²⁵ Татар миллий маданий марказ архивидан. 2008.

²⁶ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Қомус бош тахририя. Т.; 1997.

²⁷ Туленов Ж, Гофуров З. Миллатлараро ҳамжиҳатлик давлатимиз бойлиги. Т.; “Ўзбекистон” 1999. Б.15.

Шунингдек, ўзаро йиғинлари, мажлислари, расмий учрашувлар ҳамда конференцияларни ўз хоҳишлари ва ўзларига қулай деб билишган тилда ўтказишади. Миллий маданий марказлар ичида илк ташкил тўпгани Корейс миллий маданий маркази бўлса, юксак имкониятларга эга бўлгани бу Рус миллий маданий марказидир. Бу марказнинг фаолияти таҳсинга лойиқдир. Масалан бу марказ атоқли рус шоирларини юбилейларини ўтказди ва бу кечада “Ўзбекистон – умумий уйимиз” мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди.²⁸

Россия олийгоҳларига бориб ўқишни истаган ёшларга ташкилий ва моддий томондан ёрдам бермоқда.

Белорус маданий маркази рус ва украин маданий марказлари билан ҳамкорликда славян ёзуви байрамини ўтказишди ҳамда бу кечада “Тақдиримиз – ягона” ишлари остида кичик давра суҳбати бўлиб ўтди.

Праваслав диний байрамлари, халқ ашулалари, миллий байрамлари шарқий славян миллатининг Ўзбекистондаги маданий маънавий ҳаётида славянларга янги маъно мазмун ҳамда йўналиш берди.²⁹

Корейс миллий маданий маркази фаолияти ўзининг серкирралиги билан ажралиб туради. Маълумки Корейсларнинг Ўзбекистондаги умумий сони икки юз минг атрофида (1999 йил аҳоли рўйхати маълумотларига кўра) Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг Корея Республикаси билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилди. Шулардан бири Андижон вилояти Асака шаҳридаги “ДЭУ” автомобил заводи ҳамда Фарғона шаҳридаги “Кобул Туйтепа Текстилл” заводлари ва бошқа кичикроқ ташкилотларни айтишимиз мумкин.

Корейс миллий маданий марказининг қўллаш билан, Ўзбекистон Республикасини жаҳондаги йигирма ўлтинчилардан бўлиб автомобил ишлаб чиқадиган давлатга айланди.

²⁸ Ўзбекистонни янги тарихи. 3 том. Т.; “Шарқ”. 2000. Б.301.

²⁹ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.; “Ўзбекистон”. 1997. Б. 480.

Корейс миллий маданий маркази 1991 йили ташкил қилинган бўлиб, унинг бўлимлари 28 Вилоят, шаҳар ва туманларда ҳамда Қорақалпоғистонда фаолият олиб бўрмоқда.

Дастлаб Фарғона вилоятида тузилган бўлиб райиси Ревмир Лян эди. У Республикадаги Корейсларни миллий анъаналарини тиклашда, ҳамда халқ ўртасидаги муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилишда ёрдам бериш эди.

Фарғонада Корейс миллий маданий марказини тузиш ва фаолият олиб бориши учун қарори ҳамда низом ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда бунга ўхшаш маданий марказлар 130 тани ташкил этади.³⁰

Корейс миллий маданий марказнинг низоми шундан иборатки:

- Корейсларни муаммосини ўрганиш ва ҳал қилишда ҳокимиятга ёрдам бериш.
- Миллий маданият ва она тилини қайта тиклаш ва ривожлантириш мақсадида Корейс аҳолиси ўртасида маданий, маърифий ишларни олиб бориш.
- Ёш авлодни, ғоявий, мафкуравий жиҳатдан тарбиялаш ва бошқа масалалар берилган.

Россияда Корейслар ҳаётидаги ёрқин воқеа 1990 йил 18-19 майда Москвада биринчи умумиттифоқ Корейс сейезди бўлиб ўтди. Бу йиғилишда мамлакатнинг барча маданий марказлардан делегациялар келишган эди. Шу билан бирга Шимолий ва Жанубий Кореядан ҳам вакиллар келган бўлиб, бизнинг юртдан ҳам беш вакил борган эди. Бу конференцияда Корейсларнинг муаммолари, ўқувчиларга корейс тилидаги қўлланмалар чиқариш ва бошқа масалалар кўриб чиқилган. Мустақилликка эришганимиздан сўнг корейс қатағон қурбонларини номлари оқланди. Корейс маданий марказининг асосий мақсади: она тилини юртдан

³⁰ Ревмир Лян. “В дали от родины предков” .Фергана, 2007. Б. 55.

йирокдагиларга ўргатиш ва қадимий маданиятини тиклаш, урф-одатларини ўргатишдан иборатдир.

Шулар асосида Корейс миллий маданий марказларининг Ўзбекистон ассоциацияси тузилиб ўз фаолиятини олиб бормоқда. Ассоциациясининг ҳаракати билан фото кўргазма ташкил этилди ва “Корея – Ўзбекистонда”, “Корейслар Ўзбекистонда” мавзуига бағишланган китоблар, рисоалар, мақолалар, тўпламлар, Корея билан боғлиқ турли юбилейлар, ёзувчилар, сиёсий арбоблар, маданият намоёндалари, ҳақида мақолалар чоп этилмоқда.

Ассоциациянинг ҳомийлигида Ўзбекистоннинг турли шаҳар вилоятлардаги мактаб, лицей, гимназияларда тил ўрганиш курслари очилган. Мисол учун Фарғона шаҳридаги Парвоз лицей ва Қирғули туманидаги мактабларда тил ўрганиш курслари очилган. Ўйлаймизки бу курслар натижасида Ўзбекистон тараққиёти борган сари Корея Ўзбекистон алоқалари яхши ривожланмоқда. Ўқиш ва ишга борадиганларни талаблари ортиб бормоқда.³¹

Фарғона шаҳрида Корейслар ўзларининг этнографик музейини очган бўлиб, у ерда миллий урф – одатларидан намуналар, анъаналари ва миллий кийимларини қандай тикилиши ҳақида тўлиқ маълумотлар бор. Бу музейни очилишида Ревмир Лян билан бирга ёрдам бериб келган. Бу музейни очилишида педагогика фанлари доктори профессор Турғуной Эгамбердиева ҳам фаол қатнашди. Бу ҳам бўлса уларга бўлган ҳурматдан бир нишона. Римма Василичевич бу музей учун Жанубий ва Шимолий Кореядан экспонатлар тўплаб олиб келган.

Корейс миллий маданий маркази кўмагида Ўзбекистон Корея ўртасида яхши ҳамкорликлар ўрнатилган бўлиб, у иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ўзини кўрсатмоқда. Корея инвестицияси билан

³¹ Ўша жойда.

Ўзбек тадбиркорларини ишларида самарадорлик ошмоқда ва замонавий техникалар билан жиҳозланмоқда.³²

Хитой ва Ҳиндистон миллий маданий маркази ҳам Ўзбекистонни иқтисодини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Мисол учун Хитой ўзини кулолчилик санъати билан дунёга танилган бўлса, ўзимизда чиқадиган чинни идишлар ҳам Хитой билан рақобатлаша оладиган даражада. Шунинг учун бу марказ ўз инвестициясини бу соҳани ривожлантириш учун киритмоқда. Бу билан бирга бозор муносабатларида ҳам Хитой товарларини кенг қўламда ёйилмоқда.

Ҳиндистон миллий маданий маркази, ўзини бунёдкорлик соҳалари билан Ўзбекистон тараққиётига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Дунёни лол қолдирадиган обидалар билан рақобатлаша оладиган уйлар қуриш, ҳамда дорилар ишлаб чиқариш Ўзбекистон Республикасидаги бу маданият марказлари, ўзбек халқини ҳамда бошқа миллатларни миллий ўзлигини англашга ва маънавий қайта тикланишнинг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда жамиятни янгилаш уни демократлаштиришга ундовчи зўр куч бўлиб хизмат қилмоқда. Бу эса Ўзбекистон Республикасини жаҳон ҳамжамиятига қўшлишига шарт – шароит яратиб беради.³³

И.А.Каримовнинг бу фикри Республикамизда фаолият олиб бораётган миллий маданий марказларига бўлган ишончни билдиради. Ахир бу марказлар туфайли кўп миллатли Ўзбекистон давлати дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига қўшилади. Халқаро ташкилотлар эса давлатимизни мустақиллигини ва бу миллатларга хурматини билдиришди, дипломатик алоқалар ўрнатилди ва ривожланиш сари олға қадам босди, бунга кўпмиллатли диёримиз нақадар ахил, иноқ яшашларини кўрсатмоқда.³⁴

³² Ўзбекистонни янги тарихи 3 том. Т.; “Шарқ”, 2000, Б 171.

³³ И.А.Каримов Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.; “Ўзбекистон”, 1997 йил — 1, 472.

³⁴ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.; “Ўзбекистон”, 1999.

Миллий маданий марказлар Ўзбекистонда миллатларни хартамонлама яқинлашувига миллатлар тараққиёти ва гуллаб яшнашига асосчи бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Миллатларнинг истиқболини уларнинг яқинлашувисиз уларга истиқбол ваъда қилиш қийин. Шунинг учун миллатлар онгини, ўз –ўзини англашини, миллий ўзлиги ва миллий ифтихорини ўсиши, маънавиятни бўйиши мафкурасини шаклланиши ҳамда ривожланиши учун асос яратади.³⁵

Шу тўғрида фикр юритар эканмиз Президент И.А.Каримов диққатимизни масаланинг туб моҳиятига қаратади, “... минтақада ҳам, унга кирадиган айрим давлатларда ҳам инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тартибга солинишини истаймиз”.³⁶

Миллатлараро муносабатлар жараёнида миллий ва митақавий хавфсизликка путур етказиши мумкин бўлган ҳар қандай вазиятларни олдини олиш учун қўидаларга амал қилмоғимиз керак:

- давлатнинг этник сиёсати шахс ҳуқуқларининг ҳимоя қилишнинг устивор бўлишига асосланиши даркор, шунингдек, миллий озчиликнинг ҳам камситилмаслиги шарт;
- давлатнинг этник сиёсатидаги бош йўл миллатлараро зиддиятларни амалий тарзда ҳал қиладиган усулларга асосланиши лозим;
- жамиятимизнинг бозор муносабатларига асосланадиган иқтисодий тараққиёти Республикамизда яшаётган барча миллатларнинг манфаатларига мос бўлмоғи керак.³⁷

Миллатлараро ҳамдўстлик, тинчлик тотувлик мустақиллик туфайли қўлга киритилган энг катта ютуғимиздир.

³⁵ Туленов Ж. Ғофуров З. Миллатлараро ҳамжиҳатлик давлатимиз бойлиги. Т.; “Ўзбекистон” 1999 Б 14.

³⁶ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.; “Ўзбекистон”, 1997 йил — Б. 78.

³⁷ Туленов Ж. Ғофуров З. Миллатлараро ҳамжиҳатлик давлатимиз бойлиги. Т.; “Ўзбекистон”, 1999.Б. 18,19.

Мустақиллик миллат ва элатларнинг яқинлашувига биргина иқтисодий сиёсий ҳамда социал қарашлар натижасида эмас, аксинча маданий маърифий соҳаларда ҳам намоён бўлишдир. Ахир миллат ва элатларнинг яқинлашувида маънавият ва маърифатнинг ўз салоҳияти бор.³⁸

2.2. Миллий – маданий марказларни миллий урф одатларни тарихини ўрганиб, ҳаётга тадбиқ этишдаги МОҲИЯТИ

Марказий Осиё халқларининг руҳияти, асрлар мобайнида бир бирига тутшиб, маънавий, диний ахлоқий муносабатлари уйғунлашиб кетган.

Яшаш тарзлари ва урф-одатлари муштарак бўлиб, ягона улкан ва жонли вужудга айланган. Шунинг натижасида қондошу жондошлик, бир бутунлик анъаналари таркиб топган кишилиқ жамиятида, бундай маънавий, руҳий ҳамда фикрий яқинлик бу диёримизда ҳамиша ҳар нарсадан устун келган. Шу жойда Мавлоно Рудакийнинг ушбу шеърини эсламаслик хато бўлур деб ўйлайман,

Дунёнинг шодлиги йиғилса бутун³⁹

Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.

Бунинг ёрқин мисоли Ўзбекистон Республикаси Байналминал маданият марказини 15 йиллик байрамига бағишлаб, Ўзбекистон бадиий академияси марказий кўрғазмалар залида “Ўзбекистон - умумий уйимиз” мавзуида бадиий кўрғазма бўлиб ўтди. Бунда тасвирий ўйна ижодий уюшмаси томонидан кўрғазмага қўйилган кўплаб фотосуратлар айнан миллий маданий марказларнинг фаолиятлари ҳақида эди.

Бу расмларда Республикамизда фаолият олиб бўраётган марказларни 2007 йилгача қилган ишларининг намуналарини йиғиндиси эди.

³⁸ И.А.Каримов. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. // Фидокор газетасини муҳбирига берилган жавоблар. 2000. 06.08.

³⁹ Ўзбекистонни янги тарихи. 3 том. Т.; “Шарқ”, 2000, Б 435.

Шунингдек миллий маданий марказлар кўмагида Тошкентда “Бир дарахтнинг шохлари” мавзуида турли миллатга мансуб ижодкорларнинг асарларининг кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда 11 миллатга мансуб, 58 ижодкорнинг, 98 та тасвирий санҳат асарлари намоиш қилинди.

Булар билан бирга май ўйида Украина Ўзбекистон, Белорусия халқ амалий санҳат намоёндаларининг асари кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада кишиларнинг ҳозирги замон амалий ва тасвирий санҳат намуналари билан таништиришда катта ўрин эгалайди.⁴⁰

Миллий маданий марказлар ҳамкорлигида ўтказиладиган “Туркистон умумий уйимиз” мавзуида кечалар, учрашувлар, халқлар ўртасидаги дўстлик ва аҳилликни кучайтиришда катта роль ўйнамоқда. Ўзбекистон Республикаси Президент И.А.Каримовнинг “Туркистон умумий уйимиз” ғоясида минтақамизда истиқомат қилувчи миллий – этник бирликни янада мустаҳкамлаб, минтақамизда барқарорлик тинчликни сақлаб қолишда қўл келмоқда.

1995 йил август ўйида “Байналмилал маданият” марказининг Тошкент шаҳар хотин – қизлар кўмитаси, Тинчлик ва барқарорлик, ҳамда шаҳар Маҳалла хайрия жамғармалари билан ҳамкорликда ўтказган дўстлик кечаси катта аҳамиятга эга бўлди. Шу билан бирга Марказий Осиёга ҳар тарафдан келган маданият арбобларининг Ассамблеяси Тошкент шаҳрида ўтказилиши, бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди десак янглишмаган бўламан.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллий маданий марказлар халқлар ўртасида аҳилликни, иноқликни тарбиялашда катта роль ўйнаб, буларни халқлар ўртасида обрў-эътибори тобора ошиб бормоқда. Миллий маданий марказнинг фаолиятига юксак баҳо берар эканмиз, хатто давлатимиз бошлиғи И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси миллий маданий марказларига ва уларнинг фаолларига катта минатдорчилик билдириб, уларга табрикнома юборди,

⁴⁰ Ўша жойда.

баъзиларини Ўзбекистон тараққиётига кўшган ҳиссалари учун мукофотланди.

Азиз дўстлар!

Мухтарам Ватандошлар!

Бугун мамлакатимиз ҳалқлари улкан шодиёна арафасида турибди. Ўзбекистон мустақиллигини уч йиллиги, ҳар бир фуқаро қалбида фахр ва ифтихор туйғуларини жўш урдирмоқда. Буни сизлар йил мўбайнида ўтказган тадбирларингиз ва бугун яқунловчи тантаналарингиз мисолида яққол кўриш мумкин.

Кўпмиллатли мамлакатда ҳар бир миллат, элат равнақини таъминлаш, миллий анъаналар, урф-одатлар ва маданиятларни ривожлантириш, демократик, ҳуқуқий давлатнинг бебаҳо фазилатларидир. Биз ана шундай юксак цивилизацияли жамият қуриш сари бораётган бир пайтимизда, сизларни бугунгидек ҳамжиҳатлигингизни юксак қадрлайман.

Сизлар мамлакатимиз келажагига катта умид билан қараётганингиз, ўз миллий маданиятимиз равнақи бутун Ўзбекистон тараққиётининг бир қисми эканлигини чуқур тушуниб турганингиз қувончли ҳодиса.

Ўзбекистон – улкан имкониятлар мамлақати, айни пайтда у буюк орзу – умидлар, яқдиллик, ҳамжиҳатлик, биродарлик мамлақати. Турли мамлакат вакилларининг энг эзгу ниятларини муштарак этган, шонли тарихга ва буюк келажакка эга бўлиш улуғвор хонадон.

Сизлар эса ўз фаолиятингиз амалий ишларингиз билан ана шу хонадонни яна ҳам нурафшон, яна ҳам файзли қиласизлар.⁴¹

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов.

Миллий маданий марказлар миллатлараро тотувлик, тинчлик ва барқарориликни мустаҳкамлаш мақсадида кўплаб кенг кўламли тадбирларни уюштирмоқда. 2003 ва 2005 йилларда “Ўзбекистон – умумий уйимиз” республика фестиваллари, 2006 йилда Ўзбекистон

⁴¹ Ўзбекистонни янги тарихи 3 том. Т.; “Шарқ”. 2000, Б. 460.

мустақиллигини 15 йиллигига бағишланган “Кучимиз – бирлик ва ҳамжихатликда” ва “Ватан ягонадир – Ватан биттадир” фестивалларини ўтказилиши эса, жамиятимиз мазкур марказларнинг обрўси ошишига янада ёрдам берди.

Маданият марказлари давлат дастурларини амалга оширишда ҳам фаоллик кўрсатади. Хайр саҳоват фаолиятнинг энг муҳим жиҳати ҳисобланади ва бу фазилат айниқса ўтган йилги “Хомийлар ва шифокорлар йили” дастурини амалга оширишда янада ёрқин намоён бўлди. Кўпгина тадбирлар, “Наврўз”, “Хотира ва Қадрлаш кун”, “Мустақиллик куни”, каби умуммиллий байрамларга бағишланади.

Шуни таҳкидлаш жоизки миллий маданий марказлар кам таъминланган оилалар, қариялар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ногирон, болалар ва аҳолини ёрдамга муҳтож тоифадагиларга ҳам ғамхорлик кўрсатиб келишмоқда.

Мисол учун рус маданият маркази уруш ва меҳнат фахрийларини соғломлаштириш бўйича ибратли ишлар олиб борилди. Буларни ҳар ўй санаторияларга даволанишлари учун навбатма – навбат жўнатилди.

Ота – онасиз болалар учун байрам уюштириб кўпларини хатна тўйларини нишонлаб ҳам беришяпти. Хайрли ўн кунлик тадбирини ўтказилиши ушбу марказ учун анъанага айланиб қўлди.

Бундан ташқари рус ва поляк маданият маркази Тошкентдаги меҳрибонлик уйини ўз оталиғига олган⁴² бўлса украин маданият маркази 31-Меҳрибонлик уйига ҳар доим ёрдам бериб келишган.

Бу уйда тарбияланувчиларга совғалар улашади ҳамда булар учун концертлар ва бошқа қизиқарли тадбирлар ўтказилади.

Корейс ва озарбайжон маданият марказлари уюшмалари ҳам хайрли тадбирларни ўтказиб келишмоқда. Ҳар байрам олдидан кам таъминланган оилаларга совғалар улашмоқда.

⁴² А.Иванов. // Куч қудратимиз аҳиллик ва ҳамжихатликдалар. Халқ сўзи. 2007, 23 январ.

Арман маданият маркази Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатига ҳалқ истеъмол буюмларини хайрия сифатида топширади. Тошкентдаги 1-шифохонани таъмирлашда қурилиш материаллари билан кўмаклашди.

Немис маданият маркази фаоллари Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг тиббий ижтимоий станциялари билан биргаликда, ёлғиз беморларни ўз қарамоғига олди ва гиёҳвандлик ҳамда ОИТС нинг олдини олишга қаратилган тадбирларда қатнашмоқда.

Республикада фаолият олиб бораётган турк, туркман ва бошқа миллий маданий марказлар ҳам мана шундай хайрли ишларни амалга ошириб келишяпти.⁴³

Ушбу марказлар мамлакатимизда “Ижтимоий ҳимоя йили” ҳамда “Ёшлар йили” муносабати билан фаолиятида кенгайтиришлар олиб борди.

Қисқа қилиб айтганда миллий маданий марказлар мамлакатимизда, миллатлараро муносабатни турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда, ёшларни ҳам шу руҳда тарбиялашга ёрдам бермоқда. Булар шу мақсадда, давлат шунингдек бошқа жамоат ташкилотлари жумладан ёшлар, хотин-қизлар бирлашмалари фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни кенгайтиришни ташкиллаган. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда миллатлараро тотувлик сиёсатини амалга оширишда янада фаол иштирок этиш имкониятини яратди. Зеро Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек ҳар бир мамлакатнинг тараққиёти, ҳалқаро майдондаги обрў эътибори унда тинчлик, барқарорлик, миллат ва элатлараро тотувлик нечоғли мустаҳкамлигига боғлиқдир.

Миллатлар ва элатлараро тотувликни мустаҳкамлашда бизга миллий маданий марказлар ҳомийлигида уюштириладиган кўплаб

⁴³ Ўша жойда.

кечалар ва фестиваллар ёрдам бериб келмоқда. “Қудратимиз бирлик ва ҳамжихатликда”, “Ватан ягонадир, Ватан биттадир”, “Ўзбекистон – Ватаним маним”, “Шу азиз Ватан барчамизники”, “Ўзбекистон умумий уйимиз” шиорлари остида бўладиган дўстона фестиваллар кардош халқларни урф-одатлари, маданият ва маънавиятини янада ошириб, уларни бир-бирлари билан ўртоқлашиб ривожлантиришга қаратилган эди.

1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, халқ ижоди ва маданий маърифий ишлар жумҳуриятини маркази, мусикий санъат соҳалари бўйича бир қанча танловлар ўтказди.

1992 йили 2 март куни Тошкентда Мукаррама Турғунбоевнинг 80 йиллиги ва ўзимизни миллий байрамимиз Наврозга бағишлаб болалар фольклор – этнографик – рақс байрами бўлиб ўтди. Бу байрамда тожик афғон ва рус болаларининг иштироки ҳаммани лол қолдирди. Болалар Мукаррама Турғунбоева ижро этган ашула ва рақсларни шунчалик маҳорат билан кўрсатиб беришдики концертга келганларни ҳаяжонга солиб қўйишди.⁴⁴

1996 йили Тошкент шаҳридаги “Баҳор” концерт залида миллий маданий марказлар фаоллигида Ўзбекистон Ватаним маним деб номланувчи 3 боқичли қўшиқлар танлови бўлиб ўтди. Бу қўшиқлар танловида ўзбек миллатидан ташқари рус, туркман, қирғиз, корейслар ўз она тилларида Ватанни ва мустақилликни тараннум этувчи қўшиқлар куйлашди. Бунда рус миллий маданий маркази вакили Павел Барисов “Мен сени севаман Ўзбекистон қўшиғи билан фахрли иккинчи ўринни олди”.

Умуман “Ўзбекистон – Ватаним маним” мавзусидаги кўрик танловни ўтказилиши Ватанни, мустақилликни қадрига етишни англатувчи муҳим омил бўлди десак янглишмаган бўламиз. Халқимиз ҳаётида қўшиқ байрамни одат тусига кириши ҳамда “Ўзбекистон -

⁴⁴ И.А.Каримов. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. “Фидокор”, 2000. 8.

Ватаним маним” кўшиқ байрами ҳақидаги махсус фармон қабул қилиниши ҳам бунга ёрқин мисол.⁴⁵

Бунда Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини беш йиллиги муносабати билан ўтказилган “Ўзбекистон – Ватаним маним” кўшиқ танлови ҳалқимизнинг маданий, маънавий ҳаётида зўр мамнуният ва кўтаринки руҳда қўллаб қувватлаганлиги қайд этилган.

Анъанавий “Шарқ тароналари” фестивали беш қитъа санъат аҳлининг диққатини ўзига яъни қадимий шахримиз Самарқандга тўплади. Бу байрам туфайли айрим миллат вакиллари ўз урф-одатлари, миллий эпослари, миллий кўшиқлари орқали маънавиятини бойитиб қайта тиклашни мақсад қилиб олган. Дунёда тинчлик ва эзгуликни, барқарорлик ҳамда ўзаро бир бирини тушуниш кўшиқ орқали санъат орқали амалга оширишини исботлаб берди.

Марказий Осиё халқларида театрни ҳам ўз ўрни бўлиб ҳар бир миллатни маънавиятини ва халқлар ўртасидаги дўстликни оширишда кўшиқдан сўнг туради. Кўшиқ инсонларни қалбига кириб борса, театр бутун бир вужудга руҳиятга ўз таъсирини ўтказади. Ахир 1992 йили 10 кун давомида “Наврўз 92” халқаро анжумани ўтказилиши бежиз эмас. Бунга Миллий маданий марказ ва Ўзбекистон Давлат театр уюшмаси ҳомийлик ва бошчилигида ташкил этилди. Унда кўшни давлатлар Тожикистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон театр уюшмалари иштирок этди. Бу ўзаро маҳоратларни ўртоқлашишларидан ва ўзлари тайёрлаб келган спектакллари намойиш этиш билан бўлди. Бунда аксарият ёшлар иштирок этган бўлиб, бу ўзларини миллий қадриятларига бўлган ҳурматидан бир нишона эди. Фестивалда Туркманистон ёшлар театрига биринчи ўрин берилди. Миллий анъаналарига содиқ қолган ҳолда ўзларини “Доалли Думбул” спектаклига берилган эди.⁴⁶

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти девони нашри, хабарнома, 3 сон. (23). 1996. Б.128.

⁴⁶ Ўзбекистон янги тарихи. 3 том. Т.; “Шарқ”, 2000. Б.444.

Шулар билан бирга Тошкентда Қорақалпоқ миллий маданий маркази ҳамкорлигида Қорақалпоғистон маданият кунларини ўтказилиши бу шу миллатга бўлган ҳурматимизнинг бир кўриниши эди.

Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси ҳузурида қозоқ адабиёт кенгаши, Жиззах вилоятида “Коктели” қозоқ театрини ташкил этилганлигини ҳамда қозоқ тилида “Нурли жўл” Республика газетаси нашр этилмоқда.⁴⁷

Ҳалқимизнинг яна бир ижобий хусусияти бошқа миллат вакилларига бўлган муносабатда – ислом ақидаларига бўлган ҳурмати ҳамда буни улар фойдасига талқин қилишдир. Оддий мусулмон инсон билан сўзлашсангиз унинг фикр юртилишига разм солинг маълум бўлади. Ахир у ҳам худо яратган банда-ку деб ўйлаб қоламиз. Бирини рус бирини қирғиз яна бирини хитойлик этиб яратди ва ер юзига тарқатди. Ана шу сабабли кўпмиллатли Ўзбекистон давлатида диний эркинлик берилди. Буни Ўзбекистон Республикаси Конституциясини 18-моддасида бунга тўхталиб ўтган.

Мисол учун Фарғона шаҳрида Корейс миллий маданий марказини Християн – свангар “Надежда” черкови бор. Бу дастлаб хусусий уйларда, мактаб спорт залларида фаолият юритган. Диний эркинлик туфайли бу марказ бир бино қуриб олишди. Ҳозирги кунда бу ерда ёшлар ва болалар хори мусиқий ансамбили ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Булар билан бирга корейс ёшларидан иборат Ариян мусиқа ансамбили ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, бунга нафақадаги корейслар ташаббускор бўлишди. Ахир ҳозирги кунда кўплаб анъаналарини ёшлар унитиб қўйишмоқда. Шунинг учун болалар фольклор ансамбили ташкил этилган бўлиб, у турли байрам дастурларида иштирок этиб келмоқда. Бу ансамбилга Пенхенян театрини машҳур раққосаси Ли Сан Си раҳбарлик қилмоқда.

⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти девони нашри, Хабарнома. 2 сон. 1995. Б.120.

Татар миллий маркази ҳам бу соҳада ўзини намоиш этмоқда 2007 йил 2 декабрда татар ёшлар ансамбли Конституциясини 15 йиллигига бағишланган байрамда ўзини комедик спектаклини намоиш этди. Фарғона шаҳрини марказида “Наврўз” байрамида ва 2008 йил 17 майда “ёшлар йили” муносабати билан Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номли театрда катта концерт бўлиб ўтди. Ҳозирги кунда татар тилини ўрганувчиларга махсус курслар очилган.

Худди шундай курсларни корейслар миллий маданий маркази ҳам очган. Шу ерда корейс миллий маданий марказининг райиси Ревмир Лянни бир фикри айтиб ўтишни жоиз деб билдим. “Тил йўқолса миллат йўқолади” бу гап бежиз айтилмаган. Ахир ҳозирги кунда кўплаб ёшлар ўзларини миллий байрамлари, миллий урф одатини ҳаттоки тилини ҳам унутиб қўйишяпти.⁴⁸

Мисол учун корейсларни “Тано” байрамини олайлик. Бу байрам ой календари бўйича 5 ойни 5 куни нишонланади. Бунинг маъноси “Олов” бўлиб, ҳосил пишганда 9 куну 9 тун нишонланади. Ҳозирги пайтда ёшлар бу байрамни унутиб қўйишган, фақат катта ёшдагиларга маълум ҳолос. Буни Ўзбекистонда қайтадан нишонланиши буларга бўлган ҳурматни англатади.

“Чусо” байрами 2002 йили нишонланади. Ой календари бўйича 8 ойнинг 18 куни нишонланади.

Буларни урф-одатларини тикланишида корейсларга Койка фирмаси ҳар томонлама ёрдам бериб келяпти. Бу фирмани кўмагида Ким Леонид (Пехенян университетини тамомлаган, олий маълумотли) Фарғона давлат университетига Корейс тилидан сабоқ бермоқда.

“Асрлар садоси” фестивали Қашқадарё вилоятида Китоб тумани Қайнар қишлоғида жамики миллий-маданий марказларни жамлади. Фестивал эсда қўларли даражада ўтказилди. Санъат байрамида миллий удум ва урф-одатларимиз, анъаналаримиз, миллий ошхонадан тортиб,

⁴⁸ Ревмир Лян. В дали от родины предков. Фарғона. 2007.

хунармандчилик, каштачилик, тасвирий санъат намуналаригача намоёиш этилди. Авлоддан авлодга, устоздан шогирдга ўтиб келаётган миллий санъатимиз ва анъаналаримизни тиклаш, жаҳонга танитиш, фестивалнинг асосий мақсади бўлди. Мезбонлар ва меҳмонларнинг миллий санъатимизга нисбатан қизиқиши янада ортди.

Бундай гўзал анжуманда иштирок этаётганимдан бахтиёрман дейди Ўзбекистондаги ЖАР элчихонаси консулининг рафиқаси Фелисите Тинке.

Миллатлараро тотувлик - умумбашарий қадрият бўлиб, турли миллат ва елатлар ҳамжиҳатликда яшайдиган муайян бир мамлакат миллий муносабатлари тараққиётини белгилайди, миллатлараро тотувлик ғоясини шакллантиради. Буни мустақил Ўзбекистонда миллий тотувлик ва тенгликка асосланган ҳолда шаклланаётган миллатлараро тотувлик ғояси яққол кўрсатиб турибди.

Миллатлараро тотувлик ғояси қуйидаги асосий принципларга таянади. Барча миллат ва елатларнинг туб жой халқчилиги ёки кўчиб келиб жойлашганлигидан қатъий назар тенг ҳуқуқчилиги Ўзбекистон Республикасининг Бош Қонуни - Конституцияда ҳам белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод ва обод, еркин ва фаровон ҳаёт барпо этилмоқда. Президентимиз Ислам Абдуғаниевич Каримов такъидлаганидек, халқимиз ана шу ҳақиқатни ҳар томонлама тушиниб етган, танлаган тараққиёт йўлимиз: ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қурилишидаги ислоҳатларни онгли қабул қилгани ва қўллаб-қувватлагани олдимизга қўйган мақсадларга еришишнинг гарови халқлар тотувлиги таянчи эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Дарҳақиқат, бу позитив ўзгаришлар инсонни инсон сифатида яшашга, қўни-қўшнилар, миллатлар ўртасида дўстлик ришталарини ўрнатишга шахснинг жамият билан уйғунлигига, барча эзгу

ниятларни рўёбга чиқишига халқимизнинг ўзаро иноқлиги, ҳамкорлиги, осойишталиги, урф-одат, анъана ва маданиятларнинг эътироф этилиши ва раванқ топиши учун соғлом ижодий муҳит яратиш асосида адолатли жамият барпо этиш йўлидаги ижтимоий-маънавий асос бўлиб хизмат қилади.

Бу ижодий муҳит икки дарё оралиғида яшаган халқларни ўзаро меҳр-оқибатли, яқин елкадош яшашга ундаган. Бу улуғ ҳамкорлик Алишер Навоий, Рудакий, Абай, Матумкули, Токтагул каби буюк мутафаккирларнинг ижодидан ўрин олган, уларнинг халқларнинг, башарият фарзандларини доимо меҳр-оқибатли, дўст-биродар бўлиб яшашга даъват етганлар. Бу ижтимоий-ижодий муҳитнинг таъсирида мамлакатимиз ҳудудида хўжалик янги шакилланининг вужудга келиши ва ривожланиши, сиёсий барқарорликнинг таъминланиши, айниқса, юртимиз ҳудудан Буюк Ипак йўлининг ўтиши маданий алоқаларнинг тарихий ривожланишида асосий омил бўлиб хизмат қилади. Олис асрлар оша Ўзбекистоннинг этник таркиби шаклланиши тарихига назар ташласак унинг кўп миллатли юрт еканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. 1898-йилда Ўзбекистон ҳудудида 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилаётганлигига гувоҳ бўламиз. Бугунги кунда Республика аҳолисининг қариб 80 фоизига яқини ўзбеклар, 20 фоизидан ортиқроғи қорақолпоқлар, тожиклар, руслар, қozoқлар, татарлар, қирғизлар, корейслар, туркманлар ва бошқа миллат ҳамда элат вакиллари ижтимоий бирликни ташкил қилади.

Агар урф-одатлари, анъаналари, тили ўхшаш бўлган қирғиз, қozoқ, тожик, туркманлар азал-азалдан ўзбеклар билан ёнма-ён яшаб келган бўлсалар, бошқа миллатлар вакиллари турли ижтимоий-сиёсий жараёнлар оқибатида бу диёрда ўтrock бўлиб қолишган. Масалан, Биринчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон ҳудудида Польша ва Болтиқбўйи минтақасидан келганлар пайдо бўлди.

1917-йилдаги октабр тўнтарилишидан кейинги даврда еса Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожлантириш бахонаси собиқ иттифоқнинг турли худудларида ҳар йили юзлаб мутахасислар юборилар, улар янги жойда доимий яшаб қолдилар. XX асрнинг 30-40 йилларидаги депортасия оқибатида минглаб кореслар, крим-татарлар, греклар, месхети, турклар, курдлар, башкир, чечанлар, ингушлар, қолмиқлар Ўзбекистонга кўчирилди.

Иккинчи жаҳон (1941-1945) уруши йилларида Ўзбекистон фронталди худудидан эвакуация қилинган 1 млн дан ортиқ кишини қабул қилди, ижтимоий ҳимояга олди, меҳр-мурувват кўрсатди. 1966-йилда Тошкент zilzilаси оқибатларини тугатиш учун собиқ шўро давлатининг турли бурчакларидан келганларнинг ҳам аксарияти республикамизда доимий яшаб қолди.

Ҳозир мамлакатимизда яшаб турган барча миллат ва елатлар вакиллари Мустақил Ўзбекистон Конституция ва қонунлари орқали яратиб берилган тенг ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланиб, тинч ва осойишта ҳаёт кечириш билан биргаликда, эртанги кунга қатъий ишонч билан иқтисодиётнинг турли тармоқларида, илм-фан ва маданиятнинг хилма-хил соҳаларида юртимиз равнақи йўлида яқдиллик билан хизмат қилиб ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлмоқдалар.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг (2002-йил 14-январдаги) “Республика байналминал миллий-маданий марказларнинг бир гуруҳ фаолларидан: Хоразм вилояти биринчи спорт мактаби мураббийси, рус миллий-маданий маркази мураббийси – Селеверстова Надия Георгиевна “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси”, Республика байналминал маданият маркази диретори ўринбосари – Нурматова Муножатхон Қўчқоровна “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими”, “Прогресс” (Қорақалпоғизтон Республикаси) таълим ва тараққиёт

маркази директорининг ўринбосари – Бегимбетова Нурия Айтбаевна, Тошкент вилоят Ўртачирчиқ тумани “Машъал” газетаси муҳаррири ўринбосари – Бозоралиев Маъмуржон (қирғоиз миллий-маданий маркази), Тадбиркор, Фарғона вилояти корейс миллий-маданий маркази раиси – Лян Ревмир, Республика майналмаинал маданият маркази директори – Расулов Карим Расулович, Нафақахўр, Қорақалпоғистон Республикаси туркман миллий-маданий маркази раиси – Султонов Бекпўлат, Жиззах вилояти қозоқ миллий-маданий маркази раиси – Толбаев Умрзах Пўлатович, “Ўзтелерадио” компанияси “Дўстлик” студиясининг бўлим мудирлари – Ерматова Шарофатхон, Тошкент шаҳар “Ориёна” тожик миллий-маданий маркази ўринбосари “Дўстлик” билан Ўзбекистон Давлат консерваторияси кафедра мудирлари – Галушенка Ирина Георгиевна, украин миллий-маданий маркази, Нафақахўр, Самарқанд вилояти “Луис” арман миллий-маданий маркази раиси – Гарумянц Виландимр Каспарович, Нафақахўр, Тошкент шаҳар литва миллий-маданий маркази раиси ўринбосари – Жаунис Алргердас Броняус, Республика “Болалар” жамғармаси қошидаги “Меҳр-таянчи” жамғармаси директори, Тошкент шаҳар болгар миллий-маданий маркази раиси – Тодоров Николай Миҳайлович, Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармаси матбуот маркази бош муҳаррири, Зарафшон шаҳар “Нур” татар-бошқирт миллий-маданий маркази ҳамшираси – Халитов Рафаил Нигматович “Шуҳрат” медали билан, тақдирлаш ҳақидаги фармони юртимизда миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашга, ёш авлодни ватанпарвар, инсонпарварлик мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга, миллий-маданий марказларни тузиш ва фаолиятини ташкил этишга қўшган ҳиссасининг юксак эътирофи, миллий маданият, урф-одат ва анъаналарнинг ўзига ҳослигини сақлаш ва ривожлантириш, фуқароларнинг маънавий-ахлоқий эҳтиёжларини

кондириш йўлидаги самарали меҳнати ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш ва рағобатлантириш демакдир.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир халқ ва миллатнинг етник ўзига хослиги, тили, урф-одати, анъаналари, ижтимоий муносабатлар принципларини такомиллаштириш сақлашда муҳим роль ўйнайдиган миллий-маданий марказларнинг фаолиятини ривожлантириш учун бугун барча шарт-шароит ҳамда имкониятларни яратар еканмиз, бу билан биз одамларнинг тинч ва осойишта ҳаёти, эртанги кунга ишончининг мустаҳкам пойдеворини бунёд этган бўламиз.

Маълумки, ҳар бир давлат, ҳар қайси мамлакатнинг тараққиёт даражасини, халқаро майдондаги обрў – эътиборини белгилашда, аввало, ундаги тинчлик, барқарорлик ва фуқаролараро тотувликнинг нечоғоли мустаҳкам экани асосий мезон бўлиб хизмат қилади.

Ўлкамизнинг бойликлари, кўп, лекин бизнинг енг катта бойлигимиз, енг юксак кадрятимиз, бу жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир.

Мустақиллик шарофати билан ҳаммамизнинг умумий хонадонимиз бўлган юртимизнинг ижтимоий ва маънавий бойликларини асраб - авайлаш кўпайтириш билан бирга миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, беғубор осмонимиз остида яшаётган барча миллат ва елатларнинг азалий маънавий ва ахлоқий кадрятларини янада бойитиш ва ривожлантириш учун ҳамма имкониятлар муҳайё қилинган.

Юртимизда фуқаролик жамияти қурилиши жаройинида ҳар бир миллатни, елатни уларнинг қанчалигидан, сонидан қатъий назар, сақлашга, авайлаб – асрашга катта эътибор берилмоқда. Зероки, ҳар бир миллат ва елат бу тарих мобайнида шакилланган, ривожланган ўзига хос маданий бойликдир. Жамиятнинг жозибадорлиги, гўзаллиги, бойлиги ана шу маданий бойликларнинг

хилма - хиллигидадир. Ҳар бир миллатнинг тарихий шаклланиши ва ривожланишида бошқа миллат ва елат билан ҳамкорлиги, моддий ва маънавий алоқалари жуда катта роль ўйнаган. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида ҳар бир миллат ва елатларнинг қонун олдида ҳақиқий тенглигини таъминлаш билан бирга уларнинг моддий, айниқса миллий - маънавий эҳтиёжларни тўла қондириш, еркин меҳнат қилишлари, маълумот олишлари учун тенг имкониятлар очилди.

Мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва елат вакиллари тинчлик-осойишталикда ягона оила фарзандларидек ахилу иноқ яшамоқда. Уларнинг емин - еркин меҳнат қилиши, саноати ва маданиятини, ўзига хос урф – одатларини сақлаш ҳамда ривожлантириш учун барча шароит яратилган. Республика байналминал маданият маркази ана шу миллат ва елатларнинг етник ўзига хослиги, тили, урф - одати, анъаналарини сақлашда муҳим роль ўйнаётир.

Зотан, миллий – маданий марказлар моҳиятан республикамизда яшовчи ҳар бир халқнинг бой тарихий - маданий меросларини ва анъаналарини тиклаш ривожлантириш:

- бошқа миллат вакиллари билан яқинлашиш, дўстликни ривожлантириш ва инсонпарварлик ғояларини мустаҳкамлаш;
- миллатлараро муносабатлар маданиятини шакллантириш;
- ҳар бир халқ маърифати, маънавияти ва маънавиятнинг асосий негизи сифатида ягона давлат, доирасида уйғунлашиш;
- уларнинг келажагини белгилаш ва ягона давлат манфаати доирасига кўтариш;
- мамлакатимиз демократик жамият қуриш йўлида таъминланишига муҳим ҳисса қўшиш;
- демократик жамият қуриш йўлида ижтимоий сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаш;

- ҳар бир миллат ва елатнинг, унинг ҳар бир вакилининг туб, ҳаётӣй эҳтиёжларига тўла мос келишини ифода этади.

Ҳозирги мураккаб ва нотинч дунёда ҳаётимизнинг барча соҳаларида, бизнинг фуқаролик жамият кўриш йўлидаги интилишларимизда бундай бебаҳо фазилатлар, айниқса багорикенглик алоҳида аҳамият касб этади.

XXI аср бошида вужудга келган;

- турли даражалардаги ривожланган мамлакатлар ўртасида ижтимоӣй иқтисодӣй тенгсизлик;

- ривожланаётган давлатларнинг асосӣй бойлиги ҳисобланган табиӣй ресурсларни ривожланган давлатларнинг кўп ҳисса олишга ҳаракати ;

- давлатлар ўртасида илмӣй-техникавӣй ютуқлар, янги технологиялар, еркин сармоялардан фойдаланиш тафовутлари;

- иккинчи жаҳон уришидан кейин тузум, иттифоқлар ўртасида қарор топган мувозанатнинг барҳам топиши;

- дунё давлатларида ижтимоӣй осойишталикка қарши таҳдидлар ўсиб борганлиги;

- ишсизлик, қашшоқлик ва тенгсизлик;

- жаҳондаги ривожланган давлатлар аҳолиси ривожланаётган мамлакатлар аҳолиси ресурсларининг 20 маротаба кўп истемол қилаётганлиги;

- кўплаб минтақаларда, мамлакат фуқаролари ўртасида миллий етник, динӣй низолар ва мажоролар, қонли урушларнинг келтириб чиқараётган бир пайтда миллатлараро тотувлик ғояси ҳар қачонгидан ҳам долзарб масалага айландики, у онгу таффақуримиздан янада чуқур жой олаётган ватанпарварлик туйғоуси бизга беқиёс куч-қувват баҳш этишга, узоқни кўра билишимизга, ўз кучимизга ишончимиз ортишига кўмаклашди.

Хулоса қилиб айтганда, миллатараро тотувлик ғояси, аждодларимизнинг ҳаётида бўлгани каби, ҳозирги даврнинг машаққатли

синовларини биргаликда енгиб ўтишда, турли ҳавф - хатар ва таҳдидларга мардона қарши туришда руҳий мадад бўлади.

Енг муҳими, ягона мусаффо осмон остида яшайдиган барча миллат ва елатлар асрлар давомида эъзозланиб келаётган, барчамизнинг руҳан бойишимизга хизмат қиладиган маънавий ва ахлоқий кадрларнинг доимо ёдда тутишга одатлантиради, мамлакатимизда олиб борилаётган фуқаролик жамияти сари фаолиятимиз самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Марказий Осиёда етник хусусиятлар ва кадрларга содиқлик муҳим омил сифатида тарихий илдизларга ега. Бу ҳақида ўз даврида буюк қомусий олим Беруний, Ер юзини фақат ўзларига тегишли деб билувчиларни, фақат ўз халқинигина одам ҳисоблагувчиларни, фақат ўз ҳукмдорларини подшо дегувчиларни, фақат ўз эътиқодларини дин ҳисоблайдиганларни, ўзларида мавжуд нарсаларнигина илм санайдиганларни қатъий танқид қилиб, миллий ва конфессионал чеклашларга қарши чиққан еди. Бу фикрлардан кўриниб турибдики, фуқаролик маданиятига интилиш бизнинг авлод – аждодларимиз учун табиий хос хусусиятлардан биридир.

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда фуқаролик маданиятини шакллантириш масаласи кун тартибига қўйилди. “Барчамизга маълумки – деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида, - “Миллат ва халқнинг руҳи, дунёқараши ва турмуш тарзини ифода етадиган миллий маънавиятга муносабат, уни замон талаблари асосида ривожлантириш, одамларнинг дунёқараши ва тафаккурини ўзкартириш масала ҳар томонлама чуқур ва пухта ўйлаб иш юритишни талаб қилади”.

Илмий адабиётларда фуқаролик маданияти масалалари юзасидан изланиш ва тортишувлар қизгин давом етмоқда, бу тушунчанинг

таърифи ва тавсифи ишлаб чиқилмоқда. Шундай манбаалардан бирида фуқаролик маданияти “багорикенглик” тушунчаси орқали қуйидагича изоҳланади. “...багорикенглик бу фуқаролик жамиятининг барча фуқароларнинг турлича бўлиш ҳуқуқида намоён бўладиган кадриятлари ва социал меъёрларидир. Шунингдек, у турли конфессиялар, сиёсий, етник ва бошқа социал гуруҳлар оортасидаги ўзаро барқарор уйғунликнинг таъминлашини, дунёдаги турли маданиятлар, сивилизациялар ва халқлар хилма - хиллигини ҳурмат қилишни, ташқи координиши, тили, эътиқоди, аноаналарига кўра фарқланувчи одамлар биалн ҳамкорлик қилишга тайёрликни ҳам англатади”.

Фуқаролик маданиятини шакллантиришнинг йўллари ва омиллари кўп. Улар орасида таълим тизими муҳим ўрин тутди. Таълим тизимида туб ўзгаришларни амалга оширмай туриб, фуқаролик маданиятига ега бўлган инсонни тарбиялаш мумкин эмаслиги Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида ўз аксини тўлиқ топганлиги бежиз эмас. Бизга маълумки, ҳозирги даврида замонавий таълим жараёнида турли парадигмалар мавжуд ва улар доимий равишда ўзаро рақобатда. Тадқиқотчи Х.Г.Тхагансоев шундай парадигмаларни қуйидагича кўрсатади:

а) либерал – рационалистик, маданий марказчилик ва глобал тарихий;

б) аноанавий - консерватив, рационалистик ва феноменологик-гуманистик;

с) консерватив - маорифий, либерал – рационалистик ва гуманистик-меноменологик;

д) консерватив “билим марказчилик” (унитар), маданиятшунослик ва маданий - ижодий мутахассисларнинг фикрича, булардан таълимнинг маданий ижодий шакл замон талабига мос келадиган маъқул йўналиш сифатида тан олинади ва у амалдаги

“маорифатпарварлик” парадикмасининг ўрнини босиши башорат қилинади.

Бошқача айтганда бугун тарихда маърифатпарварлик даврларида шаклланган табиат ва жамиат ҳақидаги тасавурлар кескин ўзгармоқда, техноген сивилизациядан антропоген сивилизацияга ўтиш ҳаракати кучайиб, дунёда демократик тамойилларни кучайиши кузатилмоқда.

Ҳаётда демократик тамойиллар даражасининг ўсиши инсон ҳаётининг ҳам ўзгаришига олиб келмоқда. У ёки бу мураккаб вазиятдан чиқа олиш учун мустақил қарор қабул қилиш, шунга яраша масъулятни хис қилиш талаби бугун таълим тизими олдида бошқача вазифаларни қўймоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ўринли таъкидлаганидек: “Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон еркин фикрлайдиган етиб тарбияланади. Агар болалар еркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир”.

Ҳаётда демократик тушунчалар ҳақидаги тасавурларни янгилашиши мантиқан маданий амиллар ролини ортишига олиб келади. Чунки ташқи ижтимоий муҳит билан ўзаро муносабатга киришмасдан туриб, еркин фикрлай олмайди. Фуқаролик маданиятига интилиш борасида ҳам ўсиш юз бермоқда. Буни умуминсоний қадриятлар тизимида миллий маданиятлараро яқинлашув жараёнларида кўриш мумкин. Миллий маданиятларни ўзаро бир – бирини ўрганиши, ўзаро яқинлашувни юзага келтирадими, натижада улар мазмунан бойиди. Таъкидлаш жоизки, айнан фуқаролик маданияти ўзаро яқинлашув муваффақиятининг асосий шarti ҳисобланади.

Ўзбекистонда фуқаролик маданияти олий инсоний қадрият бўлган демократиянинг ажралмас таркибий қисми сифатида намоён бўлмақда. Шунингдек, у ижодий ўзаро таъсирлашув ва умуман ижод тизимининг ҳам муҳим омилидир.

Фуқаролик маданиятининг шаклланиши таълим жараёнида ўзаига хос хусусиятлар билан ажралиб туради. Таълим жараёнига фуқаролик маданияти тамойилларини еркин олиб кириш, бир томондан, таълим самарадорлигини ошишига яқиндан ёрдам берса, бошқа томондан, фуқаролик маданиятининг, социал муносабатларнинг бошқа шаклларида ҳам намоён бўлиши учун катта имкониятлар яратади.

Фуқаролик маданиятига асосланган таълим – тарбия мураккаб характерга эга. Шунингдек, Ўзбекистондаги табиий кўп тиллилик шароитида бундай тарбияни амалга ошириш маданиятлар ранг-баранглигига асосланган таълим тизимини талаб этади.

Ўзбекистоннинг кўп миллатлилиги жамиятнинг янгиланиши ва демократлашуви билан боғлиқ бўлган, халқнинг миллий ўзликни англаш ва маънавий юксалишига хизмат қилувчи кучли омил ҳисобланади ҳамда мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви учун зарур шароит ва имкониятлар яратади.

Фуқаролик маданиятини шакллантиришга йўналтирилган таълим тизими вазифалари қаторида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: ёшларда илғор фуқаролик маданиятига интилишнинг асосий шарти ҳисобланган ўз халқи маданиятини чуқур билишга кўмаклашиш, ёшларда фуқаролик маданияти тўғрисидаги дастлабки тасаввурни, маданий тафавутларга нисбатан ижобий муносабаини шакллантириш, ёшларда фуқаролик маданиятига нисбатан қизиқиш ва интилиш юз бериши учун қулай шароит яратиш, ёшларни тинчлик, тоқатлилик, умуминсоний қадриятларни улуғлаш руҳида тарбиялаш.

Юртимизга халқ амалий санъати билан танишиш ниятида хозирги кунда дунёнинг турли бурчакларидан сайёҳлар келишмоқда. Бу еса халқаро маданиятни, ҳамкорликни ривожланиш тимсоли бўлиб қолмоқда. Халқлар орасидаги дўстликни, тинч-тотувликни ва маданиятни юксалтиришда сайёҳлик, туризм ҳамда спортни ўрни бекиёсдир. Мамлакатимизга кунига 150-200 та сайёҳни кириб келиши, маданиятни жаҳон миқёсида юксалишининг энг олий намунаси бўлиб хизмат қилади десам адашмайман. Бу ўз-ўзидан ўзбек халқининг бағрикенглигидан далолат беради. Ўзбек халқи меҳмонларни шунчалар ардоқлайдики юртимизга келган сайёҳлар ва бошқа меҳмонлар халқимизнинг бу меҳмондўстлигини кўриб тасаннолар айтади. Ўзбек халқида бир мақол бор “Меъмон – отангдек улуғ” дарҳақиқат бу ҳислат ўзбек халқи маданиятини яна юқори пағонага кўтаради.

Бу билан бизнинг халқни нақадар меҳмондўст ва бағрикенглигини билишимиз мумкин. Биз дунё давлатлари ичида энг кўпмиллатли давлат бўлганимиз билан, ривожланишдан ҳеч қачон тўхтамаймиз ва Ватанимиз равнақи учун курашамиз.

ҲУЛОСА

Ушбу магистрлик диссертацияда мустақил Ўзбекистон шароитларида кўп миллатли аҳолини қандай этник бирлик руҳида тарбиялаб миллатлараро муносабатларни ривожлантириш масалалари тўғрисида фикр юритдим. Бу масала бўйича республикамизда ёйинки ундан ташқарида китоб, мақола ёки рисоалар чоп этилмаган. Этилган бўлса ҳам оз миқдорда ёритилган. Мен ушбу ишиимни бу борада қўйилган илк қадамлардан бири деб билдим. Шу ўринда маданият – жамият, инсон ижодий кучи ва қобилиятлари тарихий тараққиётининг муайян даражаси. Кишилар ҳаёти фаолиятининг турли кўринишларида, улар яратган моддий ва маънавий бойликларда ифодаланади. Маданият – умуминсоний ҳодиса бўлиб, у фақат бир халққа тегишли, уни фақат бир халқнинг ўзигина яратган деб бўлмайди, ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Ушбу магистрлик диссертацияда ҳам назарий ҳам амалий жихатларда тадқиқ этилди. Ва таҳлил шуни кўрсатдики, миллатлар ва элатларни жипслик руҳида тарбиялаш мустақил Ўзбекистонни долзарб ва муҳим вазифаларидан бири эканлигини тушундим. Яна шуни айтиш жойизки, бозор муносабатлари шароитларида миллатлараро муносабатлар мазмун ва ҳам шаклан ўзгаришни тушундим. Миллатлараро муносабатлар ва бозор муносабатлари бир-бири билан узвий равишда чамбарчас боғланганлигини ҳамда миллий маданий марказларни салмоғи катталигини кўрдим. Бозор иқтисодиёти талаблари олдида барча миллат ва элатлар тенгдир.

Мустақил Ўзбекистон бошқа мамлакатларнинг бундай аччиқ тажрибасини инобатга олиб, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида миллат ва элатларнинг маънавий масалаларига, жамият аъзоларининг маърифий тарбиясига катта эътибор ажратмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида миллатлараро муносабатлар маданиятни айни вақтда жамиятда

демократик, ҳуқуқий меёрлар, инсонпарварлик тамойиллари маънавий ҳаётнинг ривожланиши билан бир вақтда амалга оширилмоқда.

Ҳуқуқий ривожланган миллат ва элатлар уч асосий таянчга суянмоғи зарурдир. Жаҳон умумбашарий цивилизацияси, бозор иқтисодиёти ҳамда миллатлардир.

Ўзбекистонда истикомат қилувчи 130 дан ортиқ миллатлар шу билан фахирланадики, бизнинг давлатт шу йўлдан бормоқда. Бу эса янгича миллий муносабатлар, барча халқларнинг бутун ер юзида, ва табиийки ҳар бир давлат ичида дўстликда, ҳамкорликда, тотувликда яшаш демакдир. Ўтиш шароитида Ўзбекистон мустақиллик тушунчасини халққа, миллатга тушунтирди ва шу давлатда ахил, иноқликда яшашга чорлади.

Ўзбекистонда миллий – маданий хилма-хиллик миллий ўзликни англашнинг ўсиши ва маънавий-руҳий тикланиш билан қўшилиб, жамиятнинг янгиланишига, унинг толерантлигига қудратли туртки бўлиб, республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишига катта шароит яратди. Бугунги кунда мамлакатда демократик сиёсий ислохатларни амалга оширишда миллий омилга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон давлат қурилиши модели унинг ҳудуди тарихан таркиб топган жамиятнинг кўп миллатли таркибини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш ҳамда ушбу омил демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишдек пировард мақсад вазифаларини бажариш ғоясига асосланади. Асрлар давомида Ўзбекистонда яшаб, фаолият кўрсатган халқларнинг ўзаро сиёсий, маданий, ижтимоий алоқалари, ҳамжиҳатлиги бугунги кунимиздек ёрқин бўлмаган.

Ўзбекистонда яшовчи турли миллат вакиллари, умуммиллий маданияти билан бир қаторда, ўзларининг миллий онгига хос маданиятлар мазмун-моҳиятини ривожлантириб бориш имкониятига ҳам ега бўлади. Юртбошимиз И.А.Каримов айтганидек “Бугун биз дунёдаги ривожланган давлатлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, юртимизда еркин ва фаровон жамият барпо этаётган еканмиз, санъатни мусиқани ўзимизнинг маънавий

хамроҳимизга айлантормасдан туриб, ана шу юксак марраларга эришишимиз, ҳаётимизни янада мазмунли, янада ёруғ ва ҳар томонлама мукамал қилишимиз мумкин эмас, албатта”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов шундай деганди: “бизнинг кейинги йилларда эришган энг катта ютуғимиз – бу умумий хонадонимизда қарор топган тинчлик ва барқарорлик миллатлараро ва фуқаролараро тотувликдир. Одамларимиз тафаккурида бу қадирятнинг беқиёс ахамиятини англаб етиш туйғуси тобора юксалиб бормоқда”.

Буларни ҳаммасига эришишимизда бизга миллий маданий марказлар ва буларни бир жойга жамлаган маданият маркази ҳар тамонлама кўмаклашмоқда.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати:

I боб. Президентимиз И.А.Каримов асарлари:

- 1.1 Каримов.И.А Ўзбекистонни ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.; “Ўзбекистон”, 1992
- 1.2 Каримов.И.А Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т; “Шарқ”,1999
- 1.3 Каримов И.А Баркамол авлод орзуси. Т; “Шарқ” 1999
- 1.4 Каримов И.А Донишманд халқимизнинг мустахам иродасига ишонаман “Фидокор” 2000. 8.VI
- 1.5 Каримов И.А Юксак манавият енгилмас куч. Т.; “Ўзбекистон”, 2008
- 1.6 Каримов И.А “Жахон молиявий- иқтисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни баргараф этиш йўллари ва чоралари” Т.; “Ўзбекистон”, 2009

II-боб. Фойдаланилган адабиётлар:

- 2.1 Бобоҳаджаев М.А Республика Ўзбекистон: очерки межнациональных межкультуральных отношений, внешнеэкономических связей. Т. “ТИБ”. 1996
- 2.2 Бобожонова Д. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг хусусияти. Т; “Ўзбекистон” 1995
- 2.3 Жураев Н. Юксалиш. Т; “Ўзбекистон” 1995
- 2.4 Миллатлараро ахиллик – тараққиёт омили Т. Университети. 2000
- 2.5 Мустақил Ўзбекистон тарихи. 3 томи. Т; “шарқ”, 2000
- 2.6 Мустақиллик Изохли илмий оммабоп луғат Т” “Шарқ” 2001 2 чи тўлдирилган нашри.
- 2.7 Нишонев М.Н. обновление духовной жизни нации. Т.”Фан” 1992
- 2.8 Правовое государство – независимость нация экономика деалогия, политика. Т” “Адолат” 1994
- 2.9 Ревмир Лен “В дали от родины предков” “Фарғона” 2007

- 2.10 Соифназаров И. Ватанпарварликнинг миллий ва умуминсоний жихатлари. Т; “Меҳнат” 1997
- 2.11 Туленов.Ж, Гофуров.З мустақиллик ва миллий тикланиш, Т; “Ўзбекистон” 1996
- 2.13 Туленов. Ж, Қадриятлар фалсафаси. Т; “Ўзбекистон” 1997
- 2.14 Туленов.Ж, Гофуров.З Миллатлараро ҳамжихатлик давлатимиз бойлиги. Т; “Ўзбекистон” 1991
- 2.15 Хоназаров.Қ.Х Миллий менталитет - тараққиёт омили.
- 2.16 ХоназаровҚ,Х Тил ва дил. Т; “Ўзбекистон” 1991
- 2.17 Хоназаров.Қ,Х, Мансурова.Г.Х Давримиз ва тилимиз муаммолари. Т; “ТДТУ” 1993
- 2.18 Хоназаров Қ.Х Хозирги замон ва мустақил Ўзбекистонда миллий муносабатлар/ Мустақиллик ва ижтимоий тараққиёт/ Т. “Ўзбекистон” 1998
- 2.19 Хоназаров Қ.Х Мустақиллик ва миллий муносабатларнинг ривожланиши. Т; “ЎАЖБНТ”. 2001
- 2.20 Чебаксаров Н.Н, Чебаксарова И.А «Народы, расы культуры» М.1989
- 2.21 Шермухаммедов с. Ижтимоий тараққиётда миллатлараро алоқа маданиятининг аҳамияти. Т, “Маънавият” 1998
- 2.22 Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси Т; “Ўзбекистон” 1992
- 2.23 Ўзбекистон Республикаси энциклопедияси, Қомус бош тахрирляти. Т; 1997.

III боб. Даврий матбуот материаллари:

- 3.1 Халқ сўзи газетаси 1996
- 3.2 Фан ва турмуш журнали 2007.

IV боб. Интернет маълумотлари:

- 4.1 www.gogel.uz.
- 4.2 www.ziyonet.uz.